

POLISH SCIENCE JOURNAL

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

Issue 3(36)
Part 4



POLISH SCIENCE JOURNAL

ISSUE 3(36)

Part 4

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

WARSAW, POLAND
Wydawnictwo Naukowe "iScience"
2021

ISBN 978-83-949403-4-8

POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 3(36), 2021) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. Part 4 – 187 p.

Editorial board:

Bakhtiyor Amonov, Doctor of Political Sciences, Associate Professor of Tashkent University of Information Technologies

Bugajewski K. A., doktor nauk medycznych, profesor nadzwyczajny
Czarnomorski Państwowy Uniwersytet imienia Piotra Mohyły

Tahirjon Z. Sultanov, Doctor of Technical Sciences, docent

Shavkat J. Imomov, Doctor of Technical Sciences, professor

Sayipzhan Bakizhanovich Tilabaev, Candidate of Historical Sciences, Associate Professor.
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Temirbek Ametov, PhD

Marina Berdina, PhD

Hurshida Ustadjalilova, PhD

Dilnoza Kamalova, PhD (arch) Associate Professor, Samarkand State Institute of Architecture and Civil Engineering

Oleh Vodiani, PhD

Languages of publication: українська, русский, english, polski, беларуская, қазақша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն

Science journal are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees.

The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

TABLE OF CONTENTS

SECTION: ART STUDIES

Eshmirzayev Baxodir Jo'rayevich, Xushboqov Qobilbek Shokirovich Xurramova Qunduzoy Shodiyevna, Yozdanaqulova Ozoda Zokirjon qizi (Denov, Uzbekistan) NAVOIY E'TIROFIDAGI BASTAKORLAR.....	6
Fayzullayev Azamat (Tashkent, Uzbekistan) MUHAMMAD RIZO OGANYNING "SALLAMNO" RADIFLI G'AZALIDA BADIY SAN'ATLARNING ISHLATILISHI.....	10
Norqulova Dildora Uchqunovna, O'razboyeva Dilora Shuxrat qizi (Samarqand, Uzbekistan) PORTRET JANRINING MAZMUNI VA O'ZIGA XOS JIHATLARI.....	16
Бозорбоева Умида (Ташкент, Узбекистан) СОВРЕМЕННЫЙ БАТИК И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ.....	20
Хосиятов Хуршид Отакулович (Қарши, Ўзбекистон) МУЗЕЙЛАР АЖДОДЛАР МА'НАВИЯТИ ЖАМЛАНГАН МАСКАН.....	26

SECTION: HISTORY SCIENCE

Kalshabayeva B. K., Duisenbay N. M. (Almaty, Kazakhstan) INTERETHNIC HARMONY AND TOLERANCE IN ETHNIC POLICY OF THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN.....	31
Исламова Дилдора Хамидуллаевна (Ташкент, Узбекистан) ДЖАДИДИЗМ В ТУРКЕСТАНЕ И ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ДЖАДИДОВ.....	37
Норқўзиев Дадахон Рахмонжонович (Наманган, Узбекистан) XX АСРНИНГ ОХИРИ – XXI АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ САНОАТЛАШГАН ҲУДУДЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТИНИНГ ҲОЛАТИ.....	40
Пирматов Дилшод (Ташкент, Узбекистан) К.П. ФОН КАУФМАН И ЕГО ПОЛНОМОЧИЯ В КАЧЕСТВЕ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРА ТУРКЕСТАНА.....	44

SECTION: PHILOSOPHY

Абдуллаев Муроджон Махсуджон ўғли (Ташкент, Узбекистан) ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ УМУМБАШАРДАН ФАРҚЛИК СИФАТЛАРИ.....	49
Malikova Dildoraxon Qobilovna (Tashkent, Uzbekistan) OMMAVIY MADANIYATGA QARSHI KURASHDA MAFKURANING O'RNI.....	55
Rametullaev Inayatulla Xabibullaevich (Nukus, Uzbekistan) MAHALLIY DAVLAT HOKIMIYATI ORGANLARINING MA'NAVIY-MA'RIFIY SOHADAGI VAZIFALARI.....	58
Баҳромов Суннатилла Ҳамиджон ўғли (Ташкент, Узбекистан) ҚУРЪОНИ КАРИМ ОЯТЛАРИДА МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАСАЛАСИ.....	60

Давидов Умиджон Хасан ўғли (Тошкент, Ўзбекистон) ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИДЛАР	63
Сук Олена Євгеніівна, Чаплигін Олександр Костянтинович, Чістіліна Тетяна Олександрівна (Харків, Україна) ТЕХНІКА ТА ТЕХНОЛОГІЯ ЯК ФАКТОР ПРИСКОРЕННЯ АНТРОПОСОЦІОГЕНЕЗУ	68

SECTION: POLITICAL SCIENCE

Jumayev G'iyosjon Abduvaxobovich, Akbaraliyev Baxtiyor Bakirovich (Tashkent, Uzbekistan) SAYLOV TIZIMINI YARATISHDA GEOMA'LUMOTLAR BAZASINING O'RNI VA AHAMIYATI.....	74
Sherov Ma'ruf Boltayevich (Samarqand, Uzbekistan) AHOLI FAROVONLIGINI TA'MINLASHNING ILMIIY-NAZARIY ASOSLARI.....	77
Sultankhanova Oyshabibi (Tashkent, Uzbekistan) THE ROLE OF THE MEDIA IN THE PRE-ELECTION CAMPAIGNS.....	82
Қолқанов Н. Т., Тилаев Эрмат Рахматович (Ташкент, Ўзбекистан) РАҲБАР ИМИЖИ ШАКЛЛАНИШИДА РЕКЛАМАНИНГ ЎРНИ.....	85
Омонов Бахтиёр (Ташкент, Ўзбекистан) СТРУКТУРЫ, ПРИНЦИПЫ И КРИТЕРИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ МОДЕРНИЗАЦИИ.....	90

SECTION: PSYCHOLOGY SCIENCE

Xakimova I. (Andijan, Uzbekistan) BOG'CHA YOSHI BOLALARNING PSIXIK RIVOJLANISHIDA O'YINNING O'ZIGA HOSLIGI.....	95
Бобровникова Наталия Сергеевна (Тула, Россия) МЕТОДИЧЕСКИЕ МАТЕРИАЛЫ ДЛЯ СОСТАВЛЕНИЯ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ ПРОГРАММ ПРОФИЛАКТИКИ ПОДРОСТКОВОГО БУЛЛИНГА.....	99
Жуманова Фотима Ураловна, Саюпова Азиза Мирзабековна (Ташкент, Ўзбекистан) МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ.....	103
Камалова Малика Ильхомовна, Тураев Анваршед Юлдашевич, Махмудова Севара Хамдамжоновна, Рахимова Фариза Шералиевна, Абдурахмонова Бахора Саидавзаловна (Самарканд, Ўзбекистан) ЭКЗАМЕНАЦИОННЫЙ СТРЕСС У СТУДЕНТОВ.....	108
Махмудова Хулкар Тилабовна (Ташкент, Ўзбекистан) ЗНАЧЕНИЕ СУДЕБНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ РЕШЕНИИ ВОПРОСА О СДЕЛКОСПОСОБНОСТИ.....	112
Ravshanov Izatullo Orif ugli (Bukhara, Uzbekistan) THINKING AND SPEECH IN MILITARY ACTIVITIES.....	118
Сарсенбаева Б. И., Батыргалиева С. М. (Уральск, Казахстан) ПРОГРАММА РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТНОЙ САМОРЕГУЛЯЦИИ.....	121

Шалагинова Ксения Сергеевна (Тула, Россия)

ART-ТЕРАПИЯ КАК ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ

РАБОТЫ С ДЕТЬМИ «ГРУППЫ РИСКА» 126

SECTION: SCIENCE OF LAW**Berdilo Rodica (Chişinău, Moldova)**

NOȚIUNEA DE OMOR ÎN DREPTUL PENAL AL REPUBLICII MOLDOVA 131

Berdilo Rodica (Chişinău, Moldova)

URMĂRILE PREJUDICIABILE ÎN CAZUL OMORULUI SĂVÂRȘIT ÎN STARE DE AFECT 139

Brinza Sergiu Mihail, Stati Vitalie Anatol (Chişinău, Moldova)ABUZUL DE PUTERE SAU ABUZUL DE SERVICIU SĂVÂRȘIT DIN INTERES MATERIAL,
ÎN SCOPUL REALIZĂRII ALTOR INTERESE PERSONALE SAU ÎN INTERESUL UNEI
TERȚE PERSOANE: CONTROVERSE ȘI SOLUȚII 147**Soliboev Umidbek (Andijan, Uzbekistan)**SPECIFIC MANIFESTATIONS OF THE LIBERAL-LEGAL TYPE
OF UNDERSTANDING OF LAW 160**Адизов Шухрат Бафоевич,****Азимова Сабинабону Жахонгировна, Жураев Курбон Хафиз ўгли,****Ибодов Ислом Низомий ўгли (Бухоро, Ўзбекистон)**

ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЕР ИСЛОХОТИНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ 162

Пирназаров Абдурашид Абдулхаевич (Ташкент, Узбекистан)

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ОҚЛОВ ҲУКМИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ 166

SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE**Холбеков Тоштурди Кудратович,****Аманов Чори Эшқувватович (Термез, Узбекистан)**

ПРЕИМУЩЕСТВА И УДОБСТВО ТЕХНИКИ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ СЕГОДНЯ 174

SECTION: SECTION: MEDICAL SCIENCE**Зокирова М.Б. (Ташкент, Узбекистан)**

ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ 177

Кошимбетова Г. К., Шомансурова Э. А. (Ташкент, Узбекистан)СИНДРОМ РАЗДРАЖЕННОГО КИШЕЧНИКА И СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА
ПРОБЛЕМУ 183

SECTION: ART STUDIES

Eshmirzayev Baxodir Jo'rayevich
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchisi,
Xushboqov Qobilbek Shokirovich
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchisi,
Xurramova Qunduzoy Shodiyevna,
Yozdanaqulova Ozoda Zokirjon qizi
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti talabalari
(Denov, Uzbekistan)

NAVOIY E'TIROFIDAGI BASTAKORLAR

Annotatsiya: *Maqolada shoir Alisher Navoiy davri musiqa san'ati va bastakorlari, xususan, Xoja Yusuf Burxon va Pahlavon Muhammadning musiqiy ijodi to'g'risida ma'lumotlar keltiriladi.*

Navoiy davrida san'at va adabiyotga qadam qo'ygan kishi kotiblik, notqlik, tasviriy san'at bilan birga musiqa nazariyasi sirlarini ham puxta egallagan bo'lishi, bir yoki bir necha musiqiy asboblarda kuy chalib ko'rsatishi talab etilgan. She'riyatga aruz vaznida yozish shart hisoblangani kabi, shoir musiqa ohanglarining nozik jihatlarini idrok etish ham shunchalik muhim sanalgan. "Navoiy o'zining badiiy qarashlarida she'riyat bilan shug'ullanuvchi kishilarni san'atning faqat bir tarmog'i bilan cheklanib qolmaslikka, musiqani va shunga o'xshashlarni da'vat etadi. Ana shu qoidaga amal qilgan shoirlarni esa alohida ta'kidlab o'tish bilan ularni boshqalarga namuna qilib ko'rsatadi".¹

XIV-XVI asrlar bastakorlik san'atining yuksalgan davri bo'ldi. Bu davrda ko'plab sozanda va xonandalar qatori ajoyib bastakorlar yetishib chiqdi. Ular maqom janri rivojida muhim ishlar olib bordi. Bastakor so'zi "basta" - bog'langan, "kor" - ish ma'nosida, kuy unsurlarni bir-biriga bog'lovchi demakdir. Bastakorlar o'tmishda turli vazifalarni bajargan. Dastlab, u yangi, original kuy va ashulalar yaratuvchidir. Ikkinchidan, bastakor tayyor kuylar mavzusida ularning ritmik va kuy variantlarini ham o'ylab topishi kerak. Ashula yo'llariga yangi she'rlarni ustalik bilan bog'lab, tushira bilgan san'atkorlar ham bastakor hisoblanadi.

O'sha davrdagi adabiy yig'inlar shohona bazmlar musiqasiz o'tmagan. Ko'zga ko'ringan shoirlarning mashhur g'azallari bastakorlar tomonidan kuyga solingan. Shubhasiz, o'z sohasini mukammal bilgan iste'dodli sozanda, xonanda, bastakorlar ko'p bo'lgan va ular o'rtasida o'ziga xos musobaqa davom etgan.

Markazda Osiyo xalqlari madaniy hayotda tazkiralarning ahamiyati katta. Tazkiralarda, asosan, shoirlarning hayoti va ijodi haqida qisqacha ma'lumot berilsa-da, qisman musiqa sohasida olib borgan ishlari ham eslatib o'tiladi. O'sha davrlarda yaratilgan tazkiralalar

⁸ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. Т.: 1993. Б. 109.

orasida Navoiyning “Majlis un-nafois” asari alohida xarakterli boʻlib, unda sanʼat ahllari haqida ishonchli aniq maʼlumotlar keltiriladi. Mazkur tazkiradagi bastakorlarga oid fikrlar toʻgʻrisida musiqashunos Toʻxtasin Gʻafurbekov ilmiy izlanishlar olib borgan boʻlsa-da, hozirda asarning oʻrganishga muhtoj jihatlari mavjudligini ham qayd etish joiz. Navoiy tazkirada bastakor va musiqa ilmini yaxshi tushungan shoirlar nomlarini keltirib, ularning, ularning ayrimlariga oʻz bahosini bergan. Mavlono Sohib Balxiy, Xoʻja Yusuf, Mavlono Binoiy, Movlono Solimiy, Paxlavlom Muhammad, Ustod Qulmohammad, Xoʻja Kamoliddin Xusayin, Xoʻja Abdulvafoiy Xorazmiy, Mavlono Qadmiy, Muhammad Jomiy, Mavlono Riyoziy, Muhammad Ali Gʻarbiy, Mavlono Shayxiy, Xofiz Sharbatiy, Xoʻja Abdullox Sadr, Mir Xabibulloh, Boysungʻur Mirzolar shular jumlasidandir. Navoiyning koʻrsatishicha, bu bastakorlar maqomlarga naqshlar, peshravlar va amallar bogʻlaganlar, musiqiy namunalar tuzib maqom janri rivoji va takomillashuvida katta axamiyatga ega boʻlganlar. Navoiy musiqiy ustozlari Xoʻja Yusuf Burxon va yaqin doʻstlaridan Paxlavlom Muhammad xaqida kuyidsagi maʼlumotlar mavjud:

“Xoʻja Yusuf Burxon, Hazrati Shayx ul-Islomiy Ahmadi Jomiy quddusi sirruxunining yaqinroq avlodidur. ...musiqiy ilmin xam yaxshi bilur erdi va faqir musiqiy fanida aning shogirdimen. Koʻproq oʻz sheʼrigʻa musiqiy bogʻlar erdi. “Isfaxon” amalini, bu baytigʻa bogʻlabturikim:

Rasid mavsumi shodi-yu ayshu sharob,

Agar gado ba murodi dili rasad-chi ajab ³

oʻziga baxshida qilingan ayshni oldi. U esa nechogʻliq mashaqqat chekmasin quruq qoldi.

Baʼzi manbalarni kuzatib, “Musiqqa ilmidan xabardor deb tilga olinayotgan Yusuf Andijoniy va Xoʻja Yusuf Burxon bir kishimi?” – degan ishtibox tugʻiladi. Darvesh ali Changʻiy oʻz risolasida Navoiy “Majolis un-nafois”da “Holati Pahlavon Mahmud” asarida Xoʻja Yusuf Andijoniyni keltiradi. “Yusuf Xoʻjakim musiqiyda mashhurdir, Andijoniydur”⁴, deb Bobur taʼriflagan va Navoiy keltirgan shaxslar bir kishi. Ammo, Darvesh Ali “Majolis un-nafois”da keltiradigan, degan kishi Xoʻja Yusuf Burxondir⁵.

Navoiyning musiqa sohasidagi ustozlari deb taʼriflayotgan shaxs Xoʻja Yusuf Burxon kam, asosan, oʻz gʻazallaridagi kuy bogʻlagan, “Isfoxon” maqomini ham yaratganligi maʼlum boʻladi. Har ikkala ijodkor – Mavlono Sohib Balxiy va Xoʻja Yusuf Burxonlarning bastakorlik maxoratlarini boqiy maqom sanʼati, xususan, “Duvozdah maqom” tizimi bilan bogʻliq boʻlgan. “Isfaxon” oʻn ikki maqom tizimidagi muayyan yaʼni oʻninchi maqom hamda “Isfaxonak” nomli shoʻbaning nomidir.

“Xoʻja Yusuf Burxon tasavvur tariqatining vakili sifatida sheʼrlariga tasavvufda ohang bogʻlagan edi. Navoiy Xoʻja Yusufdan, nafaqat musiqani, balki u kishidan tariqat ilmini ham oʻrgandi, jumladan, oʻz gʻazallariga musiqa bogʻlash va ularga tasavvufona ohang baxsh etishi ham egallab, ularni oʻz ijodiga tatbiq etdi. Demak, Navoiy tasavvufona ohanglar ham bastalagan va bu “bogʻlash sanʼati”ni ham ustozlari Xoʻja Yusuf Burxondan oʻrgangan.

Navoiy taʼriflayotgan bastakorlardan yana biri “Pahlavon Mahmud Gushtigarkim musiqiy va advor ilmida doiraning benazuridir...”

Pahlavon Mahmud 1493-yil Hirotida vafot etgan. XI asr Hirot madaniy markazining yirik namoyondalaridan boʻlgan. U riyoziyot, yulduzlar ilmi, kimyo, falsafa, adabiyot, sanʼat va kurash turlaridan gushtigirlikda nom chiqarish bilan birga yaxshi bastakor va xonanda

bo'lganligi manbalarda ma'lum. "Gushtigir" taxallusi bilan she'rlar ham yozgan. Navoiy bu yaqin kishisi va maslahatdoshiga maxsus "Holati Pahlavon Muhammad" nomli qasida asar yozib, uning shaxsiyati va iste'dodi qirralarini ochib beradi:

"Ul jumladin advor va musiqiy ilmidurkim, chun lahjasi va husni savti xo'b ekandur va usuli mazbut va harakati va saqanoti marg'ub. Ul daqiq fanda qo'shish va sa'y ko'rguzub, dahli tom va maorati molokalom topib erdi va dilcash naqshlar va amallar va dilpisand qavllar va g'azallar tasnif qilur erdi va ko'p aytur erdi. Andoqki, eshitgan havos va avom xushhol bo'lmoqda beixtiyor va o'rganmoqda beqaror erdilar".⁷ Pahlavon Muhammadning sifatlariga berilgan ta'riflar uning mu-siqa bilimdonligi to'g'risida mazkur jumla bilan boshlangan. Buni To'xtasin G'afur-bekov qo'yidagicha izohlaydi: "Nazarimizda, Pahlavon Muhammadning o'ta serqir-ra faoliyati majmuyidan Alesher Navoiy – musiqa sohasi, xususan, bastakorlik ijodini boshqalardan ustuvor ko'radi". Pahlavon Muhammadning bastakorlik sohasidagi iste'dodini bu asrning musiqada mohirlari, Hirot madaniy hayotining faol ishtirokchilari, shoir, bastakor va sozandalar qatori kuy bastalaganida ko'ramiz. Ustoz Muhammad Xorazmiy, Mavlono No'mon, Mavlono Sohib Balxiy, Shayx Safoyi Samarqandiy, Xo'ja Yusuf Andijoniylar naqsh, sufiya amal, qavl, jir, chorzablar bitdilar. Bastalangan asarlarning ko'pi juda mashhur bo'lib ketdilar. Demak, Pahlavon Muhammad o'z davridagi boshqa bastakorlardan kuy bastalashda ustunroq bo'lgan. Anglash mumkuniy, Pahlavon Muhammad maqom yo'llari chorgoh, segohlarni bastalash bilan birga musiqa yo'llarining boshqa janrlarida ham ijod qilgan. Pahlavonning musiqa ilmi bilimdonligi xususida Bobur mirzo ham yozgan: "Yana benazir eldin biri Pahlavon Muhammad Abusaid edi. Qo'shtegiriklda xud saromad edi, she'r ham aytur erdi. Savt va naqshlar bog'lar edi: "Chorgoh"da bir "Naqsh"i bor, xushshubat kishi edi".

Darvishali Changi o'zining "Risolai musiqiy"ida uni musiqa sohasidagi o'zining ustozlari ekanligini aytib, nasixatomuz gaplarini yozib o'tgan. Pahlavon Muhammad serqira ijodkor, kurashda kuragi yerga tegmagan pahlavon va ayni damda musiqa sohasida, ayniqsa, bastakorlikda nomi chiqqan iste'dod egasi bo'lganligi zamondoshlari tomonidan aytib o'tilgan. U haqidagi Navoiyning yagona qasidasi xususida so'z yugurtirilganda, beixtiyor Abu Saidning musiqiy qarashlari va bilimlari ham alohida ta'kidlangan. Pahlavon Muhammad advor – musiqa ilmining ustozlaridan, kuy bastalaydi, kuylaydi. Musiqani qiyomiga yetkazib chaladi. Kuy chalayotganda tori xarragiga go'yo bulbul qo'nib sayrayotganday tuyuladi. Xonish etayotgan mahalda bamisoli bulbuligo'yo bo'lib ketadi. Musiqada hech kim uning oldiga ot sola olmaydi. Pahlavon Muhammad musiqa ilmining barcha yo'nalishlari-da mashhurligini qasidada anglash mumkin. Navoiyning mazkur asari hamda Pahlavon Muhammad shaxsi o'rganilishi bilan birga uning bastakorlik ijodi ham yirik izlanishlarga turtki bo'la oladi.

Xulosa qilib aytganda, Navoiy zamondoshlarining musiqiy bilimini ba'zan umumiy tarzda, ba'zan esa batafsil yoritgan, ularning o'ziga xos ovozi va musiqiy dunyoqarashini ta'riflagan. Shoir o'z davri musiqa madaniyati va musiqa ahli hayo-tiga oid qimmatli ma'lumotlar qoldirish bilan birga o'z bahosini ham berib o'tgan. Musiqada orginallik tarafdori bo'lgan, yaxshi musiqa asari, musiqa sohasida naza-riy risola yaratilishini quvonchli voqea sifatida qadrlagan. Musiqa ahliga ham ma'naviy, ham moddiy yordam bergan va eng muhimi Navoiyning o'zi musiqa ilmining bilimdoni bo'lgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. Т.: 1993.
2. Ғафурбеков Т. Сайланма. Т.: 2009.
3. Алишер Навоий Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами 10 жилдлик. 9-жилд. Т.: Ғафур Ғулом. 2011.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: 1989.
5. Қаюмов А. Бобур давридаги Андижон адабий муҳити. Т., 2009.

Fayzullayev Azamat
Toshkent davlat sharqshunoslik
universiteti 2-bosqich talabasi
(Tashkent, Uzbekistan)

**MUHAMMAD RIZO OGAHIYNING “SALLAMNO” RADIFI G’AZALIDA BADIY
SAN’ATLARNING ISHLATILISHI**

Annotasiya: Ushbu maqolada Ogahiyning qo‘shiqqa solingan bir mashhur badiiy tahlili berilgan. Maqolda Ogahiy she‘riyatini o‘rganish uchun uning g‘azallarida qo‘llanilgan turli xil badiiy san‘atlar asosiy mavzu obyektini bo‘lib xizmat qiladi.

Kalit so‘zlar: Ogahiy she‘riyati, Xiva xonligi, g‘azal, badiiy san‘atlar, talmeh, istiora, tashbeh

Azamat Fayzullayev
Tashkent State Oriental Studies
University 2nd year student
(Tashkent, Uzbekistan)

THE USE OF ART IN THE RADIFI GHAZAL "SALLAMNO" BY MUHAMMAD REZA AGAHI

Annotation: This article provides a well-known artistic analysis of Ogahi’s melodies. In the article, the various art forms used in his ghazals to study Ogahi’s poetry serve as the main subject matter.

Keywords: Agahi poetry, Khiva khanate, ghazal, fine arts, talmeh, istiora, tashbeh

Файзуллаев Азамат
Ташкентское Государственное Востоковедение
Студент 2 курса университета
(Ташкент, Узбекистан)

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИСКУССТВА В РАДИО-ГАЗЕЛИ «САЛЛАМНО»
МУХАММЕДА РЕЗЫ АГАХИ

Аннотация: Этот статье представлен известный художественный анализ мелодий Огахи. Основная тема статьи - различные искусств, использование в его газелях для изучения поэзии Огахи.

Ключовый слова: Поэзии Огахи, Хивинского ханство, газель, избрательное искусство, талме, истиора, ташбех

Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy (1809-1874) ham nazmda, ham nasrda barakali ijod qilgan san‘atkor shoir va tarixchi sifatida tarixda nom qoldirgan yetuk

mutafakkirdir. Ogahiy ijodi ancha katta hajmga ega ekanligi hamda unda rang-barang asarlar mavjudligi bilan Alisher Navoiy ijodiga qiyoslanadi. Ogahiy XIX asr Xorazm adabiyotiga o'zining munosib hissasini qo'shgan adibdir. U yoshligidan yaxshi ta'lim olgan, arab va fors tillarini bilgan, tarix ilmidan puxta xabardor bo'lgan alloma sifatida tanilgan edi. "Ogahiy" taxallusi "ziyrak", "ogoh", "xabardor" degan ma'nolarni anglatadi. Xiva xonligida devonbegi lavozimida ishlagan shoir Komil Xorazmiy Ogahiy haqida shunday yozgan edi:

Ulki, ogahlarning ogahidur,
Fazl-u donish sipehrining mahidur.

So'zi ortuq durur guhardin ham
Fazl-u donishda olam ichra olam.

Ogahiy yoshligidan amakisi Shermuhammad Munis Xorazmiy ta'sirida she'riyat hamda tarixshunoslik ilmiga mehr qo'ygandi. Ogahiydan bizga salkam besh yuzga yaqin g'azal, mumtoz she'riyatimizning o'nlab boshqa janrlarida yozilgan muxammas, musaddas, ruboiy, qit'a, tuyuq, qasidalari, fors tilida bitgan she'rlari, ko'plab tarixiy asarlari hamda tarjimalari 6 jildlik kitob holida chop etilgan. Shoir umri davomida jami 6 ta tarixiy asar ("Firdavs ul-iqbol" – Munis boshlagan va Ogahiy 1839-yilda tugallagan tarixiy asar, "Zubdat ut-tavorix" – Xiva xoni Olloqulixon davri yoritilgan tarixiy asar, "Riyo'z ud-davla" – Xiva xonligining 1844-yilgacha bo'lgan tarixi ochib berilgan, "Gulshani davlat", "Shohidi iqbol", "Jome' ul-voqeoti sultoniy" – Xiva xoni Muhammad Aminxon davri yoritilgan tarixiy asar), 20000 misraga yaqin she'rlar (shulardan 1300 misradan ortig'i fors tilida bitilgan) yaratgan. Ogahiy fors adabiyoti yetuk vakillari va fors tilida yaratilgan tarixiy asarlarning mualliflari bo'lgan Sa'diy Sheroziy, Muhammad Mahdiy Astrobodiy, Zayniddin Vosifiy, Muhammad Yusuf Munshiy, Kaykovus, Badriddin Hiloliy, Husayn Voiz Koshifiy, Abdurahmon Jomiy, Nizomiy Ganjaviy, Xusrav Dehlaviy kabi ijodkorlarning asarlarini o'zbek tiliga mohirona tarzda tarjima qilgan.

Muhammad Rizo Ogahiy g'azallarida an'anaviy ishq mavzusi, yorning go'zalligini tasvirlash, uni madh etish, oshiq dardlarini badiiy uslubda bayon etish bilan birga Vatanga muhabbat, hukmdor ega bo'lishi lozim bo'lgan fazilatlar hamda u yiroq yurishi kerak bo'lgan illatlar, davlatchilik asoslari, davlatni oqilona boshqarish usullari, amaldorlar qanday bo'lishi kerakligi g'oyalari, xalqning ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli, mamlakatdagi yuz berayotgan voqealar haqida ham so'z boradi. Masalan, uning "Sallamno" radifli g'azalini tahlil qilish asosida shoir ijodiga nazar tashlaylik. "Sallamno" radifli g'azali yakpora g'azallar turiga mansub bo'lib "Ta'viz ul-oshiqin" devoniga kiritilgan o'zbek tilida yozilgan ishq mavzusidagi g'azal hisoblanadi. G'azal o'n bir baytdan tashkil topgan. G'azalning matla'siga nazar tashlaymiz:

Olur har lahza yuz jon chashmi fattoning'ga sallamno,
To'kar har damda ming qon tig'i mujgoningga sallamno.

Birinchi misradagi "chashmi fatton" so'zi "jon oluvchi ko'z" degan ma'noni anglatadi. Bunda yorning birgina ko'z qarashi unga oshiq-u beqaror bo'lgan lirik qahramonning jonini har lahza yuz marta olishi aytiladi. Bu yerda shoir mubolag'a badiiy san'atidan ustalik bilan

foydalangan. Ikkinchi misrada ham yorning ko'z qarashi haqida so'z boradi va uning har qarashi tig' misoli har lahza oshiqning qonini to'kishi aytilmoqda. Har ikki misra oxirida takrorlangan "sallamno" so'zi arabcha so'z bo'lib, "ofarin demoq", "tahsin aytmog", "qoyil qolmoq", "hayron bo'lmoq" ma'nolarini anglatadi. Lirik qahramon yorning birgina qarashidan qanchalik azob chekmasin, uning o'ziga boqqan shu ko'zlarini "chashmi fatton", "tig'i mujgon" deb atab unga tahsinlar aytmogda. Ushbu baytning o'zidayoq shoirning lirik mahorati naqadar yuksak ekanligi seziladi, chunki shoir bir baytda "chashm" kabi forscha, "sallamno" kabi arabcha, "tig'", "qon", "jon" kabi turkiycha so'zlarni mohirona qofiyaga tushirib yorning naqadar go'zal husn egasi ekanligini ochib bermoqda.

Jahon bozorida sindurdi yoqut-u guhar qadrin,
Durafshon nuqta birla la'li xandoningg'a sallamno.

G'azalning ikkinchi baytida shoir yorning labi tasviriga o'tadi. Birinchi misrada yorning qizil labi jilolanishda jahonda eng qimmatbaho toshlar hisoblangan yoqut va gavharlar qadriini sindirganini aytadi. Ikkinchi misrada esa yoqut-u gavharlardan ham alvon hamda beqiyos jilolanuvchi "la'li xandon"ga (bu yerda yorning dudoqlari nazarda tutilmoqda) lirik qahramon tilidan tahsin o'qilmoqda. Bu yerda Ogahiy istiora badiiy san'atidan foydalanadi, ya'ni o'xshatilayotgan narsa nomi tushib qoladi va o'xshatilmishning o'zigina baytda keladi. Masalan, lab "la'li xandon"ga o'xshatilgan hamda bu narsa baytda tushib qolgan va misrada boshqa so'z bilan almashtirilgan. "La'" – tog'li hududlardagi konlardan qazib olinadigan qimmatbaho va serjilo ma'dan. Yorning labi shunday qimmatbaho toshga o'xshatilishi orqali baytda istioradan tashqari yana tashbeh badiiy san'ati ham qo'llanilgan.

Asir aylab kamandig'a parishon ko'nglum etdi jam,
Musalsal halqai zulfi parishoningg'a sallamno.

Bu baytning birinchi misrasida husnda tengsiz bo'lgan yor lirik qahramonning ko'nglini "kamand" – soch o'rimiga bog'lash orqali asir etganini aytmogda. Ikkinchi misrada esa juda ham quyuq bo'lgan ("musalsal" so'zi baytda sochning qalin va quyuqligini anglatish uchun xizmat qiladi) hamda yor qalbini asir qilgan shu sochlarning zulfiga tahsin aytmogda, qoyil qolmoqda. Baytda hamma g'azallarda eng ko'p uchraydigan tashbeh – o'xshatish san'ati qo'llanilgan, ya'ni yor sochlari uzilmas halqaga qiyoslangan.

Yuzingdin zarracha partav yetishkach tiyra kulbamg'a,
Yorutdi hajr shomin mehr raxshoningg'a sallamno.

Birinchi misrada lirik qahramonning kulbasiga yorning oy yuzidan birgina uchqun kirs nima bo'lishi mumkinligi haqida xabar berilsa, ikkinchi misrada kulbaga kirgan mana shu birgina uchqun oshiqning yordan uzoqda kechgan hijron damlarini (hajr shomin) yorituvchi quyosh (mehri raxshon) bo'lishi mumkinligi haqida ta'kidlab o'tilgan. Baytda "hijron damlari" so'zlari o'rniga "hajr shomi" so'z birikmasi, "nurli quyosh" o'rniga "mehri raxshon" so'zlari ishlatiladi va baytning badiiy ta'sirchanligi yanada ortishiga xizmat qiladi.

Sihi qadlarni qumri yanglig' etdi ishqida nolon,
Nazokat bog'ida sarvi xiromonningg'a sallamno.

Bu baytda muallif lirik qahramonning yor ishqida tik qad-qomati qumrining tanasi misol egik bo'lganligini ta'kidlamogda va tabiatdagi bir sayroqi hamda beozor qushga oshiqni qiyoslamogda. Baytning ikkinchi misrasida yor tasviri yanada bo'rttirilib nazokat bog'idagi tik qomatga ega bo'lgan daraxt – sarvga yorning qad-qomati qiyoslanmogda va shoir ushbu baytda tashbeh badiiy san'atiga murojaat qilgan. Umuman olganda, XV-XIX asrlar o'zbek she'riyatida g'azallar muhim o'rin egallasa, tashbeh san'ati ham badiiy san'atlar ichida eng ko'p uchraydigani va shoirlarga juda ajoyib o'xshatishlar orqali yorning go'zalligini ta'riflashiga katta yordam beradigan badiiy san'atdir. Tashbehlarda yor qad-qomati sarvga, ko'zlari ohu ko'ziga, lablari g'uncha yoki la'l toshiga, qoshlari kamonga, sochlari sunbulga qiyoslanishi odat tusiga kirgan holatdir.

Agar ko'rsa edi Yusuf malohatlig' jamolingni,
Der edi sidq ila: "Ruxsori toboningga sallamno".

Ogahiy ushbu baytning birinchi misrasida talmeh, ya'ni mumtoz she'riyat namunalari ichida tarixiy yoki afsonaviy shaxslar va joy nomlarini keltirish badiiy san'atini qo'llangan. Ma'lumki, Yusuf Qur'oni Karimda nomi zikr etilgan payg'ambarlardan biridir. Yusuf alayhissalom Kan'on shahrida dunyoga kelgan bo'lib, Ya'qub alayhissalomning o'n birinchi farzandi edi. Alloh taolo tomonidan Yusuf alayhissalomga mislsiz darajadagi husn ato qilgan edi. Shuning uchun ham Ya'qub alayhissalom farzandlari ichida Yusufga o'zgacha mehr qo'ygani edi. Bunga hasad qilgan Yusufning o'n nafar akasi uni cho'ldagi quduqlardan biriga ochlik va tashnalikdan o'lishi uchun tashlab ketgan edilar. Cho'lda ularni Misrga borayotgan karvon egasi topib olgan edi va uni Misr aziziga qul qilib sotgan edi. Yusuf alayhissalomga in'om etilgan husnni tabiatning biror mo'jizasiga qiyoslab bo'lmas edi. Bu husnga oshiq bo'lgan Misr azizining bevasi Zulayho haqidagi rivoyat ko'plab shoirlar yozgan dostonlar uchun asosiy mavzu bo'lib kelgan. Xususan, Ogahiy fors tilidan o'zbek tiliga tarjima qilgan Abdurahmon Jomiyning "Yusuf va Zulayho" dostoni shular jumlasidandir. Yuqorida keltirilgan baytda shunday go'zal husnga ega bo'lgan Yusuf alayhissalom ham ul parining malohatli jamolini ko'rganda uning ruxsori go'zalligiga tahsinlar aytishi ta'kidlanmogda. Bu bilan shoir tasvirlanayotgan yorning hattoki Yusuf alayhissalom jamolidan ham maftunkorrog chiroyga ega ekanligini aytib mubolag'a san'atidan ham foydalanmogda. Bu esa g'azalga o'ziga xos badiiy ifoda baxsh etadi.

Labing shirin takallumdin o'lukni turgizib, aylar,
Suxanvar to'ti oso shakkaristonningg'a sallamno.

Ushbu baytda shoir yor labidan chiqqan shirin so'zlar hattoki o'likni ham titiltirib yuboruvchi kuch-quvvatga ega ekanligini aytmogda. Bu bilan shoir mubolag'aning ig'rog deb ataluvchi xilidan foydalangan. Ig'rogda bo'rttirilgan belgi, xususiyatlarni o'quvchi tasavvur eta

olsa ham, uning hayotiyiligiga ishongisi kelmaydi. Haqiqatan ham yorning birgina shirin kalomi o'likka jon kirgizishiha ishonish anchagina qiyindir.

Chu ehson naqdini sochding jahong'a ganji lutfingdin
Bori xalq o'ldi bandang naqdi ehsoningga'sallamno.

Shoir bu baytda yorga emas, ko'proq o'sha davr hukmdoriga tahsin deyotganday bo'ladi. Sababi baytda xazinasidan xalqqa ehson sochgan hukmdor va bu ehsondan minnatdor bo'lgan xalqqa ishoralar mavjud. Demak, Ogahiy o'sha zamon hukmdorlarining ba'zi bir xayr-ehson ishlarini ma'qullamoqda va bu ishlarni o'z g'azallariga kiritishni lozim topgan.

Riyo-yu ujb birla bir suruk johilni, ey zohid,
Muti'u muxlis etding, makru dostoningga'sallamno.

Bu baytda shoirning zamondan norozi ekani ta'kidlanadi, chunki riyo, ya'ni ikkiyuzlamachilik, ko'zbo'yamachilik bilan xalq mulkini talayotgan eshon-u diniy arboblarga ishora qilinadi. Birinchi baytdagi "ey zohid" undalmasi ham qalandarlik yo'lga kirgan, aslida yuksak martabali amaldorlarga ayg'oqchilik qilayotgan, xalqning topgan-tutganini shilayotgan ba'zi bir kimsalarga nisbatan nafrat aks ettirilgan. Ikkinchi misrada shoir bu kimsalarning ko'zbo'yamachilik orqali xalqni aldab, makr bilan o'ziga muxlis etadigan ishlariga "sallamno" deb kinoya usulidan foydalanganligi ko'rinadi.

Urib dam g'ayb sirridin ham etkung da'voya'ymon,
Bu yanglig' kufr birla turgan iymoningga'sallamno.

Odatda g'azalning so'nggi bayti – maqta'dan oldin kelgan bayt "begona bayt" yoki "qistirma bayt" deb yuritiladi. Muallif ushbu bayt vositasida o'zining ijtimoiy-siyosiy qarashlarini, zulmga qarshi ko'tarilgan qalb isyonini yoxud biror davr muammosi yuzasidan shikoyatini bayon etadi. Bu baytda ham aynan shunday narsani kuzatish mumkin. Ogahiy zamon zo'rlari bo'lgan hukmdorlar, katta yer egalari bo'lgan diniy ulamolar, xalqqa jabr yetkazayotgan mirshab-u harbiylar, poraxo'r va xushomadgo'y amaldorlar, madhiyaboz shoirlarga nisbatan nafratini bir qadar kuchli tarzda namoyon etadi. Birinchi misrada "g'ayb sirri" deganda shariat ilmi, diniy bilimlar nazarda tutilmoqda, ammo uni targ'ib etadigan diniy ulamolar xato fikrlasa, ularga ergashadigan xalq ham shunday fikrlashi mumkinligi aytilmoqda. Keying misrada o'zini olim sanagan, biroq ilmning tub mohiyatini anglab yetmagan, tashqi ko'rinishidan iymonli, aslida shayton yo'lidan yurgan kofir kimsalarning qilmishlariga "sallamno" deydi, ya'ni shoir ularning makr-u hiylalari oldida ojiz qoladi, ularga qarshi turmoqqa bir o'zining kuchi kamlik qiladi.

Chekarsan, Ogahiy, tun-kun ul oy jabr-u jafosini,
Bu qottig' mehnat ichra chiqmag'an joningga'sallamno.

Gʻazal maqtaʼsining birinchi misrasida shoir “tun-kun” soʻzlarini juft holatda qoʻllab tazod, yaʼni qarshilantirish yoki zidlantirish badiiy sanʼatini vujudga keltiradi. Misrada Ogahiy oʻzholatini bayon etadi va qattiq mehnat ichra chiqmagan joniga tahsinlar oʻqiydi. Chunki yorning jabr-u sitamlari oshiqqa shu qadar ogʻirki, unga bardosh bermoqlik oʻlimdan ham qiyinroqdir. Shuning uchun ham shu sitamlarga chidan chiqmagan jonga shoir maqtovlar aytadi.

Xulosa qilib aytganda, Ogahiy ijodining mavzu doirasi juda ham keng. Ammo u qaysi mavzuga murojaat qilmasin, ishqni chetlab oʻtolmaydi. Ishq uning qalamida mavzuni yoritishda, gʻoyani ilgari surishda asosiy badiiy vositadir. Sheʼriyatda ishq – iymon, eʼtiqod, Vatan, zakovat timsoli kabi lirik qahramonning oʻy-kechinmalari, faoliyati, dunyoqarshini harakatlantiruvchi kuch. Ogahiy ijodida zamon va zamondoshlari tasviri ham katta oʻrin egallagan. Shoir oʻzi yashab ijod etgan murakkab davrni mahorat bilan badiiy umumlashtirganda, zamon va uning ahliga munosabat bildirganda, baho berganda, insonparvarlik, xalqparvarlik, umuman Sharqqa xos boʻlgan gumanistik qarashlardan foydalangan. Ogahiy mumtoz adabiyotda 7, 8, 9, 10, 12 baytli gʻazal yozish tartibini 23 baytgacha yetkazgan shoirdir. Yuqorida tahlil qilingan “Sallamno” radifli gʻazali shoirning ummon kabi ijodidan tomchi desak aslo mubolagʻa boʻlmaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Muhammad Rizo Ogahiy. Ogahiy sheʼriyatidan. – T., 1983.
2. R. Majdiy. Ogahiy lirikasi. – T., 1961.
3. A. Abdugʻafurov. Muhammad Rizo Ogahiy. – T., Meros, 1999.
4. M. Safarboyev. Ogahiyning ijtimoiy-siyosiy va estetik qarashlari. – T., 1993.
5. Atoqli shoir, tarixnavis, tarjimon. Maqolalar. – T., 1999.
6. S. Matchonov, Sh. Sariyev. Adabiyot. – T., 2011.
7. S. Dolimov. Ogahiyning hayoti va ijodi. – T., 1963.
8. “Maʼnaviyat yulduzlari”. – T., 1999.

Norqulova Dildora Uchqunovna
Assistant,
O'razboyeva Dilonra Shuxrat qizi
Talaba
Samarqand Davlat Universiteti
(Samarqand, Uzbekistan)

PORTRET JANRINING MAZMUNI VA O'ZIGA XOS JIHATLARI

Annotatsiya. *Ishda tasviriy san'atning asosiy janrlaridan hisoblangan portret janri haqida so'z boradi. Uning o'tmishi, kelajagi va xususiyatlari hamda uzluksiz ta'lim tizimida yoshlarni tarbiyalash, ularning dunyoqarashini, butun ma'naviy fazilatlarini shakllantirishdagi o'rni, imkoniyatlari haqida ma'lumotlar berilgan.*

Kalit so'lar: *madaniy meros, ijodkor, ranglar, tafakkur, tasavvur, fikr yuritish, ijod, uslub, shakl, tasvir.*

Mamlakatimizda kadrlar tayyorlashni milliy dasturi ishlab chiqilganligi va uni amalga oshirilish borasidagi ishlar ta'lim-tarbiya jarayonida g'oyat muhim ahamiyat kasb etmoqda. Chunki, milliy kadrlar tayyorlash va uni sifat-saviya jihatidan yuksaltirish – bu yuqori malakali o'qituvchi-pedagoglarni tayyorlash bilan birga yosh avlodga ta'lim-tarbiya berishni ham yuqori saviyaga ko'tarilishini asosiy omili bo'lib xizmat qiladi.

Yillar davomida shakllanib, sayqallanib kelgan o'zbek xalq tasviriy san'ati hamma davrlarda ham o'ziga xos tarbiyaviy estetik qiymatga ega bo'lib, kishilar ma'naviyatining shakllanishiga sezilarli ta'sir ko'rsatib kelgan.

Ijtimoiy ong shakllaridan biri – san'at-tarbiya va jamiyatda bo'lgan, bo'layotgan va bo'ladigan voqea-hodisalarni badiiy tasvirlarda ifodalanishidir. San'at voqeyilikning o'zida ifodalash uslubi va xarakteri, mazmuniga ko'ra tasviriy san'at, me'morchilik, adabiyot, musiqa, sirk, teatr, kino, radio-televideniya kabi turlarga bo'linadi.

San'atning eng ijobiy va muhim xususiyati shundaki, u fandan farqli ularoq voqea va hodisalarni tushunchalarda emas, balki sezgi va his bilan idrok qilinadigan shakllarda, tipik-badiiy obrazlarda ifodalaydi.

Har bir jamiyatdagi san'at erkin, xaqchil, insonparvar, mehnatsevar va boshqa yuksak insoniy g'oyaviyligi asosida vujudga kelsa, bu san'at o'zida xalqparvar, insonparvar, vatanparvarlik va milliylik kabi ilg'or g'oyalarni ilgari surishga xizmat qiladi.

Mustaqil O'zbekiston tasviriy san'atni milliyligi undan eng avvalo realistik pozitsiyada turishni, moddiy olamning ob'yektiv qonuniyatlarini e'tirof etilgan holda tasvirlashni talab qiladi. Bu o'z o'rnida rassomdan narsa va voqealarni aniq, o'ziga o'xshatib, real holda ifodalanishni va jamiyatning muhim masalalarini aniq maqsad sari yo'naltirilgan holda, badiiy jihatdan yuksak talabalarda bo'lgan va ijodiy ishlan san'at asarlari yaratilishini talab qiladi.

Mustaqil O'zbekiston xalqining estetik falsafasi, go'zallikni san'atning ajralmas qismi va kategoriyasi, shakli va mazmuni, uning zaruriy sharti deb ko'rsatadi.

Tasviriy san'atning muhim xususiyatlaridan biri – inson uchun faqat borliqni, tabiat va jamiyatdagi voqea-hodisalar va narsalarni bildiribgina qolmay, odamlarga yangi bilim,

tasavvur va tushunchalar berib, ma'naviy boyituvchi, ijtimoiy yuksalishga boshlovchi qudratli faktor bo'lib, xizmat qiladi.

Tasviriy san'atning eng murakkab janrlaridan biri odam yuzini tasvirlash bo'lib, bu rassomdan shakl, nisbat va ranglarni mohir ustasi bo'lish bilan birga, odam shaxsini, yaxshi tushunishi, uning ruhiy holatini idrok eta olishi, uning his-tuy'ularini ko'ra olishi, yuz tarangligi, yuzdagi rangni rasm ishlayotgandagi holatiga mos kelishi, kishining yuragidagi bo'layotgan o'zgarishlarni, ruhiy hayajonni real holda ifodalash malakalariga ham ega bo'lishi kerak chunki, asar tasvirdagi kishini kimligini, yoshini, fe'lu-odatini, amal-unvonini, hatto gavda tuzilishi, boy-kambag'alligini ham ko'rsatib berishi lozim.

Har bir inson betakror, mo'jiza va mumtoz bir asardir. Hatto barmoq izlari bir-biriga to'liq- mos ikki insonni hayotda uchratish mumkin emas.

Uzoq o'tmishga nazar tashlasak, portretning ilk namunalarini qadimgi Misrda halkaltaroshlik asarlari sifatida ko'rishimiz mumkin. Portret janri uzoq yillar davomida rivojlanib, turli davrlarda o'ziga xos talab va vazifalari paydo bo'lib bordi. Hatto XIX asrda foto paydo bo'lganida ham, portret janri o'z qadr-qimmatini yo'qotmadi, aksincha hali-hanuzgacha rivojlanishda davom etmoqda.

San'atda portret nafaqat individning tashqi o'ziga xosligini, balki shaxs o'z ichki dunyosi bilan bo'lgan o'zgacha va noyob ko'rinishini o'zida mujassamlashtiradi. Portret janrining izlanuvida inson bilimlarining o'ziga xos sohasi sifatida faqatgina moddiy (jismaniy) likdan ko'z uzmagan holda individuallikni anglashni yoritadi. Portret rangtasvirida rassom butun bilim va mahoratini ishga solib, tasvirlayotgan shaxsning o'ziga xos ruhiy holatini aniq to'pa bilishi kerak.

Biz jahon tasviriy san'at tarixidan ko'plab portret janri ustalarini bilamiz. Uyg'onish davrining buyuk rassomlari- Leonardo da Vinchi, Rafael, Veroneze, Tintoretto kabi buyuk rassomlar ijodi hanuz rangtasvir ixlosmandlarini o'zining nozik portretlarida shaxsning murakkab qalb tug'yonlari ifodasidagi mohirliklariga qoyil qolib, ofarin deydlar.

Har bir portretda nafaqat tashqi o'xshashlik, balki insonning ichki ruhiy dunyosini - oqil, tuyg'uga boy, oliyjanob xususiyatlarini yuqori badiiylikda, o'ziga xos uslubda tasvirlay olganlar. Bizning taniqli o'zbek musavvirlariz ham portret janrida barakali yutuqlarga erishganlar.

Kamoliddin Behzod, Mahmud Muzahhib kabi miniatyurachi rassomlar sharq tasviriy san'atida chuqur iz qoldirgan. San'at darg'alaridan M. Nabiyev, A. Abdullayev, R. Ahmedov, M. Saidov, M. Ogasenov, N. Qo'ziyoyev, Ch. Ahmarov kabi yetuk rassomlarning portret janridagi izlanishlari nihoyatda bebahodir.

Portretda tugallik –tasvirning yaxlitligi va ifodaliligidadir. Faqatgina nazariy bilim bilan savodli tasvir ishlab bo'lmaydi. Albatta, portret janrida ijodkor ichki ruhiy holatni to'g'ri ochishga erishishi uchun yuksak iste'dod, mahorat va katta tajriba kerak bo'ladi.

Portretning muhim tomoni tasvirning tasvirlanuvchi (model, asli) ga aynan o'xshashligidir. Ijodkor portret orqali tasvirlanuvchi shaxsning ma'naviy dunyosini, ijtimoiy hayotdagi o'rnini, kasbi, jamiyatdagi mavqeini aks ettiradi va uning shu jihatlariga orqali davr xususiyati, siyosiy- iqtisodiy ahvoli haqida ma'lumot bera oladi. Rassomning kasbiy mahorati, portret ishlash uchun tanlangan materiallari esa uning yaratgan asarlariga takrorlanmas o'ziga xoslik baxsh etadi. Tarixan portretning xilma-xil turi va ko'rinishlari shakllangan: ishlash

usuli, bajaradigan vazifasi, shakli, mazmuniga ko'ra, dastgoh (kartinka, byust, grafika varagi) va monumental (monumental haykal, freska, mozaika), tan-tanavor parad va intim, hajviy, satirik portret tarzida tasvirlanuvchining faqat bosh qismi, beligacha, butun bo'y basti bilan old va yon tomonidan ishlanishi mumkin.

Portretida shaxsning individual fazilatlarini aniq ko'rsatish, ruhiy kechinmalarini ochish jarayoni sezilarli o'rin egallaydi. Bugungi kunda o'zbek portretchiligi jahon san'ati rivoji doirasida o'z mavqei va o'rniga ega.

Portret san'atining muvaffaqiyati shundaki, rassom o'z zamondoshlarini portretlarida dastavval insonning go'zal ma'naviy dunyosini, qadr-qiyamatini, uning orzu-o'ylarini, kechinmalarini tasvirlaydi.

Keyingi o'n yillarda ushbu janrda Samarqand davlat universiteti san'atshunoslik fakul'tetida ham ko'plab professor - o'qituvchilar va talabalar o'z faoliyatlarini olib bormoqdalar. Ko'plab tanlovlarda ishtirok etib, o'z mahoratlarini oshirib, yuqori ko'rsatkichlarga erishmoqdalar. Ushbu sizga havola etilayotgan "Ona" obrazi tasviri ushbu fakul'tetning rang tasvir yo'nalishi 105-bosqich talabasi Sh.D. O'razboyevaning ijod mahsulidir.



Asarda muallif 70-80 yoshlar atrofidagi o'zbek nuroniy onaxonining tasvirini ifodalagan. Bu tasvir yarim gavda portret turiga mansub. Portretida ayolning ko'krak qismigacha bo'lgan qomati tasvirlangan. Portret yon tomondan chizilgan bo'lib, yuzining o'ng tomoni to'liq soya bilan tasvirlangan. Yuzidagi ajinlar esa onaxonning yoshiga yosh qo'shib turibganday go'yo. Ma'lumki, hayotda ranglar ikki tusda mavjud bo'lib, issiq va sovuq ranglar hisoblanadi. Issiq ranglar- bu tabiatda issiqlik taftini eslatuvchi quyosh, olov, yoz fasli, botayotgan quyoshdagi ufq ranglari, ya'ni qizil, sariq, zarg'aldoq va shu ranglarga yaqin bo'lgan jamiki ranglardir. Portretida onaning yuz qismida issiq ranglardan (oxra, sariq, zarg'aldoq) foydalanilgan va bu ona yuziga ilqlik taftini solib turibdi. Boshidagi ro'moli esa sovuq ranglar (ko'k, yashil, zumrad) bilan bo'yalgan va bu ranglar yorqin ranglarga qaraganda ko'zga tez tashlanmasligi, e'tiborni jalb qilmasligi tarafidan onaxonning yoshiga mos holda

tanlangan. Sovuq ranglarga to'xtalib o'tadigan bo'lsak, sovuq ranglar – ko'k, havo rang, yashil, binafsha va shu kabi ranglarga yaqin bo'lgan barcha ranglardir. Bu ranglar muz, qor, suv, oy yorug'i va kechani eslatganligi uchun sovuq ranglar deb ataladi. Onaxonning egnidagi xalatida ham, sovuq ranglardan qatoriga kiruvchi, to'q yashil fonda katta-katta binafsha gullarini ko'rishimiz mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Hasanov R. Tasviriy san'at mashg'ulotlarini takomillashtirish. M:1986. 16 b.
2. Oripov B.N.Tasviriy san'at darslari samaradorligini oshirish omillari. T. 1978. 8 b.
3. Abdirasulov S., Tolipov N., Oripova N Rangtasvir.-T.: 'O'qituvchi', 2006.
4. Nurtayev O'.N. Rangshunoslik asoslari. T.: " Ilm –Ziyo" nashriyoti, 2008.

Бозорбоева Умида
магистр 1-курса кафедры «Музееведения»
Национального института Художеств и Дизайна им. К. Бехзада
(Ташкент, Узбекистан)

СОВРЕМЕННЫЙ БАТИК И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: *Статья посвящена развитию современного отечественного искусства батика и его дальнейших перспектив, как в Узбекистане, так и за рубежом.*

Ключевые слова: *ткань, батик, роспись, орнамент, ткачество*

История отечественного батика является примером стремительного развития современных технологий в прикладном искусстве Узбекистана.

Обычно батиком называют разнообразные техники ручной росписи по тканям.

Способ получения рисунка на ткани берет свое начало в древности, ему более 2000 лет. Он использовался в древнем Шумере, Перу, Японии, Шри-Ланка, в Индокитае и в Африке. В те времена батик считался священным и его узоры использовали в качестве оберега.

Родиной батика является остров Ява в Индонезии. В мировой культуре закрепилось именно индонезийское слово "Батик" (batik), состоящее из двух частей: "ba" – хлопчатобумажная ткань, "tik" – точка или капля (воска).

Техника изготовления батика требовала достаточно длительного времени, поэтому одежду с узорами носили лишь аристократы. По мнению известного исследователя Индонезии Г.П. Рофайера, технологии создания батика были завезены из Индии.

Со временем батик стал неотъемлемой частью ритуала поклонения богам и раджам. Каждый узор на ткани был полон символики. При этом одним из наиболее значительных символов индонезийской культуры являлся «крис» - древнейшее оружие яванцев.

В эпоху Средневековья индийские набивные ткани были предметом активного экспорта на Суматру и Яву. Для развития узорного украшения ткани служил тонкий гладкий хлопок, привозимый из Индии. Этот дорогой материал могли себе позволить только жители богатых городов побережья и княжеских домов патриархальной Явы – кротонов.

Китай дал миру такой прекрасный материал, как шёлк. Самые ранние упоминания об окрашивании шёлковых тканей мы находим в древнейших китайских текстах.

Особые технологические приёмы украшения тканей развивались в Японии. Это было обусловлено её географической изоляцией и своеобразием культуры. Считается, что батик был завезен в Японию из Индии или Китая. По-японски он назывался рокэти и использовался при расрисовки ткани для ширм и одежды.

В Европе батик стал применяться с первой половины XIX века при изготовлении декоративных тканей. Пионерами в этом деле стали голландцы, а немцы впервые поставили производство батика на поток.

Запрет ислама на изображение людей и животных наложил своеобразный отпечаток на мотивы батика. При этом сюжеты росписей стали более стилизованными. Среди красок обычно преобладал священный для мусульман зеленый цвет. Голландские купцы напротив предпочитали европейские мотивы - букеты, бабочки или птицы.

Европейцы внесли ряд усовершенствований в технологию производства батика. Воск начали наносить с помощью печатных штампов, что позволяло получить достаточно сложные узоры на ткани.

Постепенно происходит активный обмен техникой батика - индонезийские специалисты обучали европейцев, а те, в свою очередь, внедряли новые приемы и технологии у себя на родине.

С середины XIX века окраска тканей в технике батика была вытеснена английской ситцевой набойкой, и батик почти на столетия становится делом кустарей – ремесленников.

В XX веке батик вновь входит в моду благодаря энтузиазму тех художников, которые изучали технологию изготовления батика у индийских и индонезийских мастеров. Возвращаясь на родину, они делились своими знаниями.

Таким образом, уже к середине прошлого столетия техника батика насчитывала весьма большую армию своих почитателей и последователей.

Во второй половине прошлого века как художники, так и любители со всего мира отправлялись изучать технику батика на его родину – в Индонезию. Расписывать батик становится не только модным, но и престижным. При этом техника росписи практически не меняется, а переносится механически в другие страны и культуры.

Многовековая история батика породила со временем несколько видов техники, таких как горячий, холодный, солевой эффекты, свободная роспись, техника сибори и бандан.

Слово «горячий» в названии традиционной методики батика называется не случайно. При создании работы в горячей технике используется расплавленный воск, который наносится на ткань в качестве контура рисунка и для покрытия отдельных плоскостей для защиты их от краски или одного цвета от другого.

Появление в Европе восточных тканей привело к увлечению их ручной росписи. Но воспроизвести классический процесс изготовления воскового батика европейцам было сложно. Именно поэтому появился новый вид росписи – холодный резерв и другие приемы окрашивания.

Техника холодного батика схожа с техникой горячего, но она гораздо проще и безопаснее. Резервирующий состав наносится на ткань и замыкает контуры рисунка, не давая краске растекаться за его пределы. Это придает рисунку своеобразный характер. Для холодного батика подходит акварельная техника однотонных заливок. Кроме этого, можно применять лессировки и солевые вкрапления, создающие на влажной краске интересные эффекты. Следует отметить, что при этом работа с красителями полностью

непредсказуема, так как холодный батик нуждается в закреплении красочного слоя на ткани.

Необычные эффекты батика дает солевая техника, при которой применяется крупная или средняя соль. В зависимости от того, какое количество соли рассыпано по ткани, зависит причудливость узорных эффектов.

Технику сибори называют складной техникой, так как при процессе окрашивания этим способом ткань складывается определенным образом по принципу оригами, т.е. складывания бумаги.

Узелковый батик – бандан был известен с древних времён в странах Востока. Применение этой техники предусматривает завязывание на окрашиваемой ткани различных узелков (беспорядочно или с соблюдением некоего рисунка). Именно поэтому эту технику называют также узелковой.

Узелковый батик – это не роспись по ткани, а окрашивание её узелков. Путем различных сложений ткани и завязываний ее в узелки образуется своеобразный рисунок. Сама техника довольно простая, так как возможно завязать бесчисленное количество узелков.

Пожалуй наиболее живописная из выше упомянутых техник является техника «свободной росписи» по ткани. Здесь возможны мягкие, живописные переходы тона без резких очертаний формы. Роспись выявляет своеобразие авторского почерка и придает изделиям индивидуальность, свойственную ручному труду.

Свободную роспись можно производить как по сухой, так и по влажной ткани. При этом следует помнить, что перетекание одного цвета в другой должно быть достаточно гармоничным. Тогда образуются изумительные цветовые сочетания, необычно красивые эффекты и плавные перетекания одной краски в другую.

Свободная роспись по ткани включает в себя три техники:

При «акварельной технике» ткань расписывается по «сырому» с подсушиванием в определенных местах и применением спиртового эффекта или специальными поролоновыми кистями по «сырому»,

При «трафаретной технике» рисунок создается с помощью трафаретов и специальных баллончиков для распыления красителя;

«Графика по свободной росписи» подразумевает применение солевой техники и наводки графики резервом.

В Узбекистане техника батика была известна еще в средние века.

Древнейшим центром ткачества являлась Ферганская долина. Там до сих пор вручную, на деревянных станках ткут традиционные узбекские ткани из шелковых и хлопчатобумажных нитей. Шелковый кокон и хлопок выращивается на благодатной земле Ферганской долины. Адрас, атлас, хан-атлас, бекасам, алача... - всех видов рукотворных тканей не перечить.

Современные техники росписи ткани достаточно разнообразны. Батик вобрал в себя особенности и художественные приемы многих изобразительных искусств – акварели, пастели, графики, витража, мозаики. Значительное упрощение приемов росписи по сравнению с традиционными техниками и многообразие специальных

средств позволяет расписывать различные детали одежды, предметы интерьера, картины на шелке и разные предметы быта.

Наиболее распространенные техники батика, применяемые в современном Узбекистане являются горячий батик, батик «кракле», холодный батик, стеганный батик и свободная роспись.

Обычно в технике горячего батика создаются современные абстрактные произведения, где символика цвета органично сплетается с неповторимым по красоте мерцанием восточной майолики. Возможности горячего батика при нанесении нескольких красочных слоев на поверхность ткани позволяет художнику создавать сложные по своей фактуре произведения.

Особый эффект при создании орнаментального рисунка обычно применяется дизайнерами одежды. Имитации драгоценных камней, вышивки бисером, золотого шитья с помощью технологии горячего батика стали излюбленным приемом и дизайнеров интерьера.

² Абдуназаров Л., Бердиев Ғ., Эгамова М. Фарғона вилояти саноатлашган ҳудудларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши // Фарғона водийси табиатини муҳофаза қилишнинг экологик-географик асослари Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган: 2003. – Б. 94.

³ Yormatova D., Norqulov A., Avazov Sh., Sul-tonova H. Sanoat ekologiyasi – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2007. – B. 67.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви (ЎЗР МДА), М-114-фонд, 1-рўйхат, 116-йиғма жилд, 107 varaқ.

шаҳарларида ҳам sanoat корхоналари кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Бу шаҳарлар айни вақтда муҳим транспорт тугунлари ҳам ҳисобланади.

Фарғона водийсидаги sanoat ва транспорт воситалари бу ердаги экологик вазиятга ҳам катта таъсир кўрсатади. Жумладан, Андижон шаҳрининг марказида, темир йўл станцияси атрофида гидролиз заводи, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси ва машинасозлик заводи жойлашган бўлиб, бу корхоналардан чиқаётган кўплаб sanoat чиқиндилари шаҳар экологик ҳолатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Айниқса Фарғона шаҳридаги нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона “Азот” ва Кўқон шаҳрида жойлашган “Кўқон суперфосфат” ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсири юқорилигини кўриш мумкин⁵.

Қолаверса, 1998 йилнинг 26 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни маҳофаза қилиш қўмитасида Наманган вилоятида тегишли қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётгани хусусидаги масала муҳокама қилинган. Айнан шу масалада, “Поп тола”, “Учкўрғон тола”, “Кўғай тола” ҳиссадорлик жамиятлари, Наманган шаҳридаги “Наманган ёғ” ҳамда Наманган шаҳри марказида жойлашган 3-пахта тозалаш заводларида санитария ҳимоя минтақалари мавжуд эмаслиги танқид қилиниб, ана шу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди⁶.

Бундан ташқари, Фарғона водийсида енгил sanoat корхоналари фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган бўлишига қарамай, sanoatнинг бу тури ҳам атроф-муҳитга ўзининг баъзи салбий таъсирини кўрсатмоқда. Мисол учун, XX асрнинг 90 йилларида Фарғона водийси шаҳарларида жойлашган кўнчилик ва тўқимачилик корхоналарининг чиқинди сувларини тозалаш бўйича ҳал қилинмаган масалалардан ташқари шойи тўқиш фабрикаларида ҳам оқинди сувларни тозалаш ва такроран ишлатиш жиддий муаммо бўлиб келган. Пилла тортиш цехларидан чиққан ва таркибида захарловчи микроскопик ўсимликлар бўлган оқинди сувлар аввалдан тозаланмай ва зарарсизлантирилмай яна ишлаб чиқаришга қайтади. Бунга мисол сифатида, Марғилон шойи комбинатининг пилла титиш цехларидан оқинди сувларнинг 80%и тозаланмасдан қайта ишлатилган. Бу эса сув билан ишлайдиган ишчилар орасида касалликларнинг кўпайишига олиб келди. Ишлаб чиқишда хосил бўлган чиқиндилар, шунингдек, тозалаш иншоатларидан чиқаётган чўкиндилар зарарсизлантирилмасдан тўплаб қўйилган, натижада ҳудуддаги ер ости сувлари ва тупроқ ифлосланган⁷.

Худди шундай ҳолат ҳам тўқимачилик фабрикасида ва “Фарғонапиво” уюшмаси ва гўшт комбинатида ривожланмоқда. Фарғона шаҳридаги бош сув олиш омборида суюқ хлорни сақлаш шартлари белгиланган талабларга жавоб бермаган, уларнинг миқдори белгиланган меъёр талабларидан 2 баравар ортган. Марғилон темир йўл

⁵ Исаев А., Артиқов З. Фарғона минтақаси sanoat ва транспорти ривожланишидаги экологик муаммолар // Фарғона водийси табиатини муҳофаза қилишнинг экологик-географик асослари Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган: 2003. – Б. 81.

⁶ Наманган ҳақиқати 1998 йил 1 август 61-сон. 3-бет.

⁷ ЎЗР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 35-йиғма жилд, 82-варақ.

стантациясида суюқ хлор билан контейнерларни туширишда хавфсизлик тўлиқ таъминланмаган⁸.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишнинг долзарблиги республиканинг иқтисодий ҳаётида сўнги йилларда юзага келаётган ва кескин сув танқислигига олиб келган салбий ҳодисаларнинг кўпайиш тенденцияси билан изоҳланади. Табиий ресурслар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиш даражасининг ошиши, тупроқ унумдорлигининг айрим ҳолатларининг пасайиши, Ўзбекистоннинг аксарият шаҳарларида ҳаво ҳолатининг ёмонлашиши билан боғланади⁹.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу жиҳатдан олиб қараганда атроф-муҳитга салбий таъсири бўйича Фарғона шаҳри Олмалиқ шаҳридан кейинги иккинчи ўринда туриши сир эмас. 2000 йилги маълумотларга кўра биргина, Фарғона шаҳрининг саноат корхоналаридан атмосферага чиқадиغان чиқиндилар бир йилда ўртача 123,7 минг тоннани ташкил этади. Андижонда эса бу кўрсаткич 13,1 минг тоннани, Наманганда 8,5 минг тонна, Қўқонда 5,7 минг тоннани ташкил этади¹⁰.

Катта шаҳарларда атмосферанинг чанг, қум, газ ва тутунлар билан ифлосланиши туфайли қуёшнинг тўғри радиацияси 40% гача камаяди. Шаҳар аҳолисининг чанг, қум ва бошқа қаттиқ заррачалар билан ифлосланиши конденсация ядроси вазифасини ўтайди. Шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг сони ошиб бориши билан ҳаво сифати ҳам салбий томонга ўзгариши сир эмас. Ҳар йили дунё бўйича бир миллион киши шаҳар ҳавосининг ифлосланиши оқибатида вафот этади¹¹.

Ҳозирда жаҳон шаҳарлари Ер шари қуруқлик қисмининг 3 фоизинигина эгаллаб турибди. Аммо улар жами энергиянинг 60-80 фоизигача истеъмол қилади. Урбанизациянинг юқори суръатлари чучук сув захираси, канализация тизимлари, атроф-муҳит ва соғлиқни сақлаш каби масалаларда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Шундай экан, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш нафақат давлатнинг балки, бутун инсониятнинг муҳим вазифаси бўлмоғи зарур.

⁸ ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 31-йиғма жилд, 46-варақ.

⁹ ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 36-йиғма жилд, 153-варақ.

¹⁰ Хайдаров А., Қодиоров Т.С. Фарғона водийсида вужудга келган геоэкологик ва ижтимоий экологик муаммолар / Фарғона водийси табиатини муҳофаза қилишнинг экологик-географик асослари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Наманган, 2003. – Б. 42.

¹¹ <https://kun.uz/82261211>

Пирматов Дилшод
Институт истории АН РУз
(Ташкент, Узбекистан)

К.П. ФОН КАУФМАН И ЕГО ПОЛНОМОЧИЯ В КАЧЕСТВЕ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРА ТУРКЕСТАНА

Аннотация: В данной статье поднимается вопрос о роли первого генерал-губернатор К.П. фон Кауфмана в управлении Туркестаном, анализируется его деятельность на этой должности, а также источники его полномочий в качестве генерал-губернатора.

Ключевые слова: Туркестан, генерал-губернатор, карьера, чиновники, политика, полномочия, привилегии, контроль, функции, права.

Настаивая на назначении К.П. фон Кауфмана генерал-губернатором, военный министр Д.А. Милютин поддержал человека, доказавшего свои способности как полевого командира, провинциального администратора и чиновника военного министерства. Как и в случае со многими выдающимися военными и правительственными деятелями восемнадцатого и девятнадцатого веков, происхождение и карьера фон Кауфмана остаются относительно неясными. Известно, что семья фон Кауфманов была немецкого происхождения. Они начали служить в российских органах власти еще в XVIII веке.

Константин Петрович родился 19 февраля 1818 года, получил образование в Главном инженерном училище, после чего начал офицерскую подготовку и был принят на службу вскоре после того, как ему исполнился 21 год. Прослужив четыре года в Западном инженерном округе, фон Кауфман в 1843 году присоединился к войскам на Кавказе. Здесь он провел тринадцать лет, накапливая опыт, продвигался по службе, был награжден медалями и, по крайней мере, дважды был ранен. Он принимал участие в экспедициях против чеченцев в Грузии и на Северном Кавказе, а также служил в Дагестане. Во время Крымской войны он командовал Кавказским саперным батальоном, участвовал в битве при Карсе в 1855 году. В течение следующих двух лет он занимал ряд постов в высшем военном управлении, выступая в качестве советника по военно-инженерным проектам и военному образованию¹².

В апреле 1858 года фон Кауфман был назначен в свиту Его величества Александра II, а затем 30 августа 1861 года в военное министерство в качестве директора канцелярии. В ходе перестановок на Западе после подавления польского восстания, фон Кауфман стал генерал-губернатором, а также главнокомандующим Виленского округа. Этот пост он занимал с апреля 1865 года по октябрь 1866 года. После девяти месяцев отдыха "по причинам" здоровья¹³ он был назначен генерал-губернатором Туркестана.

¹² Русский биографический словарь. Т. 8. – СПб., 1897. С. 562.

¹³ Исторический вестник. Т. 8. – СПб., 1882. С. 700.

Большинство доступных упоминаний о фон Кауфмане в современных работах относится только к его годам в Туркестане, а не к годам в Вильно и на Кавказе. Исключение составляют мемуары офицера, знакомого с фон Кауфманом после его службы на Кавказе¹⁴, в которых он свидетельствует о хороших отношениях, которые фон Кауфман поддерживал со своими офицерами. В одной из бесед, где фон Кауфман обсуждал проблемы польско-русских отношений после подавления восстания, он заметил, что конфликт возник из-за тесной связи между политикой и религией, которая развилась до такой степени, что Рим, а не отечество, получил первую лояльность поляков¹⁵.

Это осознание мотивирующей силы религии для населения впоследствии оказалось полезным для фон Кауфмана, столкнувшегося с противодействием небольшой группы мусульманского духовенства.

Фон Кауфман сразу после своего назначения провел некоторое время в Санкт-Петербурге, готовясь к поездке в Ташкент и консультируясь с правительственными чиновниками по широкому кругу вопросов политики в Центральной Азии. Эти дни позволили фон Кауфману получить четкое представление об отношении различных чиновников к жизненно важным вопросам Туркестана. В то же время он имел возможность получить четкое разграничение своих полномочий в качестве генерал-губернатора.

Источников полномочий фон Кауфмана было два: во-первых, обязанности и привилегии, предоставленные всем губернаторам российских губерний в соответствии с императорским положением 1853 года¹⁶; и во-вторых, полномочия, предоставленные специально фон Кауфману в 1867 году для удовлетворения особых потребностей Туркестана как нового пограничного региона¹⁷. Со времен своего пребывания на посту губернатора в Вильне фон Кауфман был хорошо знаком с уставом 1853 года, но полномочия, предоставленные ему в 1867 году, представляли собой весьма существенное увеличение ответственности. Он получил контроль над внутренним правительством Туркестана и над отношениями с иностранными соседями, включая решения, касающиеся войны и мира, практически не имевшие аналогов среди современных российских администраторов.

Наиболее спорными были дипломатические полномочия, предоставленные фон Кауфману в письме от 17 июля 1867 года, подписанном царем и князем Горчаковым. Позже эти полномочия были начертаны на искусно украшенной, расписанной вручную золотой хартии, которую фон Кауфман использовал как символ своей власти среди жителей Центральной Азии¹⁸. Генерал-губернатор должен был «...вкладывать полную власть для решения любых политических, пограничных или торговых вопросов, и для отправки уполномоченных лиц в соседние владения для ведения переговоров, и для

¹⁴ Эвальд А.В. Воспоминания о К.П. фон Кауфмане // Исторический вестник. Т. 70. – СПб., 1882. С. 184-199.

¹⁵ Исторический вестник. Т. 70. – СПб., 1882. С. 189-190.

¹⁶ Полное собрание законов Российской империи. Собрание 2. 28 том. №27293.

¹⁷ Пален К.К. Краевое управление. – СПб., 1910. С. 11-12.

¹⁸ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. Т1. – СПб., 1906. С. 384.

подписания договоров, контрактов или указов, которые касаются выгоды наших общих подданных»¹⁹.

Далее царь гарантировал, что все акты, заключенные и подписанные фон Кауфманом, будут почитаться как им самим, так и его преемниками, как это делает "тот, кого мы назначили облеченным всей полнотой власти"²⁰. Формулировка заявления была достаточно расплывчатой, чтобы позволить фон Кауфману использовать максимально широкий диапазон действий. "Полная власть решать любые политические, пограничные или торговые вопросы" означала власть искать решения с помощью военных мер или экономических репрессий, а также путем заключения договоров. Таким образом, в нестабильной обстановке почти на всех границах Туркестана роль фон Кауфмана была решающей.

Наиболее очевидной причиной предоставления туркестанскому генерал-губернатору дипломатических полномочных прав была необходимость немедленного решения и реагирования в весьма гибких отношениях со всеми соседями, особенно с Бухарой. В условиях отсутствия телеграфа или каких-либо других средств быстрой связи, Санкт-Петербургу, находящемуся на значительном расстоянии, было сложно держать под контролем весь регион. Но, как отмечал М.А. Терентьев, был и другой мотив. Ст. Петербург стремился покончить с досадной практикой мелких ханств, которые часто посылали в столицу посольства с просьбами об особых милостях и уступках. Начиная с 1867 года, в столицу допускалось только одно посольство каждые три года. Все остальные миссии в промежутке должны были осуществляться через туркестанское правительство по усмотрению фон Кауфмана²¹.

В период широкого военного участия эти полномочия с одной стороны значительно повышали авторитет генерал-губернатора, а с другой - были дополнением к его основным функциям в качестве главы Туркестана. Роль генерал-губернатора, как следует из названия, сама по себе была двоякой: роль губернатора, или административного руководителя области, и роль генерала, или главного офицера Туркестанского военного округа. Фон Кауфману были поручены задачи, достаточные по объему, чтобы занять трех человек. Объединив все в одном, они сделали фон Кауфмана фактически вице-королем.

За оба аспекта своей роли генерал-губернатора фон Кауфман получил особые полномочия в 1867 году. Его полномочия как главного военного офицера были четко и недвусмысленно изложены в отдельном уставе о создании Туркестанского военного округа²². В нем ему предоставлялись все обычные полномочия начальника военного округа, а затем и некоторые дополнительные права инициировать при необходимости перемещения войск и переброски, всегда информируя Военное министерство о своих действиях. Другие специальные сборы включали процедурную маршрутизацию отчетов

¹⁹ Пален К.К. Краевое управление. – СПб., 1910. С. 12.

²⁰ Там же. С. 12.

²¹ Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. – СПб., 1875. С. 37-38.

²² Полное собрание законов Российской империи. Собрание-2. 42-1 том. № 44844. 13-июль, 1867.

о поставках через генерал-губернатора и некоторые юрисдикционные привилегии в системе военного суда.

Источники особой власти генерал-губернатора в гражданской администрации не так ясны, как источники его военных полномочий. Большинство особых прав, как и дипломатических, не закреплялось положением, а указывалось царем и Комитетом министров, обсуждавшим организацию Туркестана. Самое главное, что размеры его гражданской власти понимались как временные, существующие до тех пор, пока не будет выработано постоянное положение для региона.

При таких обстоятельствах гражданские полномочия фон Кауфмана были широкими. Единственным сохранившимся положением, в котором были очерчены его полномочия, был временное положение 1865 года, но оно было изменено работой Комитета министров и вновь составленным временным положением Степной комиссии. Соответственно, фон Кауфману было предоставлено право вносить любые изменения в существующий порядок, которые он считал оправданными на основе своего опыта в Туркестане²³.

Конкретные права включали: определение ставки налогообложения населения, присвоение российского гражданства, расходование средств в соответствии с бюджетом, утверждение приговоров к высшей мере наказания, для лиц местного населения - право на помилование²⁴.

Комитет министров предусмотрел выделение средств финансирования для создания нового порядка, но фон Кауфману было разрешено также просить чрезвычайный кредит²⁵. Наконец, после периода правления, фон Кауфман должен был представить свои предложения по новому постоянному положению Туркестана.

Вопрос о полномочиях, предоставленных фон Кауфману, имеет решающее значение для оценки его деятельности. Его заслуги как администратора заключались не только в том, что он сделал для создания новых институтов российского правления, но и в том, как и какими методами он достиг своих целей, и насколько он и его администрация были свободны от нечестности и коррупции. Это, в сущности, те вопросы, которые имперские оппоненты туркестанского правительства, Гирс и Пален, использовали в качестве основы своих суждений; каждый из них, как ни странно, приходит к различным выводам.

Пален, чье исследование имело несколько большую перспективу, давал более положительную оценку фон Кауфману, о чем свидетельствует отрывок из его дневника. Гирс, как правило, более критично относился к фон Кауфману, почти всегда обвиняя генерал-губернатора в превышении своих полномочий²⁶. Гирсу предписывалось расследовать злоупотребления в Туркестане и "выяснить общий характер управления и всякое отклонение его от установленного и законного порядка в остальной

²³ Пален К.К. Краевое управление. – СПб., 1910. С. 133.

²⁴ История Узбекской ССР. Т 1. Кн.2. – Т., 1967. С. 102.

²⁵ Пален К.К. Краевое управление. – СПб., 1910. С. 9.

²⁶ Гирс Ф.К. Отчет ревизирующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Ф. Гирса. – СПб.: Б.м., 1883. С. 9-10.

империи"²⁷. Однако, во время правления фон Кауфмана в Туркестане не было твердо установленного правового порядка, и Гирс признавал, что фон Кауфману было предоставлено право в 1867 году изменить правление территорией в соответствии с местными условиями²⁸.

Фон Кауфман, несомненно, обладал очень широкими полномочиями: одними - в силу императорского устава, другими - по прямому указу царя, третьими - косвенно через Комитет министров. Со стороны Гирса присутствовала критика в адрес ошибочных суждений фон Кауфмана, его упущений и попыток возвеличивания себя и финансового обогащения. Но он не узурпировал власть; ему была дана практически полная свобода действий, и он ею пользовался.

Если бы Гирс понимал эту позицию, он бы избежал неловкого положения, когда отверг предложения фон Кауфмана о новом уставе, признав при этом, что в нем предусматривается значительное сокращение расходов на управление Туркестаном, главным критерием, которому фон Кауфману было приказано следовать при составлении своих предложений²⁹. Гирс, которому также было приказано обеспечить систему организации, призванную сократить расходы, снова и снова отвергал предложения фон Кауфмана в пользу более близких к "установленному правовому порядку" и значительно более дорогих.

В своих мемуарах после завершения последнего из имперских расследований администрации в Туркестане в 1908–1909 годах государственный сенатор граф К. К. Пален отмечал, что большой престиж России во всей Азии в конце XIX века во многом объяснялся ее умеренной и просвещенной политикой в завоеванных регионах, за которую генерал Кауфман нес прямую ответственность.

Хотя фон Кауфману вряд ли можно приписать формулировку азиатской политики России, можно с полным основанием утверждать, что он заложил основы российской администрации в Туркестане настолько прочно, что ее не могло поколебать быстро меняющееся в последующие годы и в значительной степени некомпетентное руководство. Его характер не был безупречным, его администрация далеко не была свободна от коррупции, но понимание проблем коренного населения и его интеграции в Российскую империю, сделало его очень подходящим для создания администрации в Средней Азии и заслуживающим титула «Строитель Туркестана».

²⁷ Там же. С. 1-2.

²⁸ Там же. С. 4.

²⁹ Гирс Ф.К. Отчет ревизирующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Ф. Гирса. – СПб.: Б.м., 1883. С. 5.

SECTION: PHILOSOPHY

Абдуллаев Муроджон Махсуджон ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Магистранти
(Ташкент, Ўзбекистан)

ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ УМУМБАШАРДАН ФАРҚЛИК СИФАТЛАРИ

Ислом олимларининг таъкидларига кўра, пайғамбарлик ўқиб-ўрганиб ёки касб қилиб топиладиган мақом эмас. У Аллоҳ томонидан бериладиган илоҳий вазифа. Бунинг далили сифатида Қуръондан: **“Аллоҳ фаришталардан ҳам элчилар танлар, инсонлардан ҳам. Дарҳақиқат Аллоҳ эшитгувчи, кўргувчидир”**³⁰ (Ҳаж-75) оят келтиришади.

Пайғамбарлар оддий инсон ва уларга ҳам инсоний табиатга хос ҳуқулар юклатилган. Уларнинг инсон эканликлари борасида Қуръонда кўп тавсифлар келган ва шу билан бир қаторда пайғамбарларни умумбашардан ажратиб турувчи асосий омил бўлиб, Аллоҳдан юборилган ваҳий ҳисобланади. Ислом олимларининг таъкидларига кўра, пайғамбарлар умуминсоний табиат эга бўлишликлари қаторида, Яратувчи томонидан уларга умумбашардан фарқлик ўлароқ доимий бўлиши лозим бўлган комил фазилятлар ато қилган. Бу умумийлик ва хослик ҳақида қатор қарашлар мавжуд.

Пайғамбарларнинг хато ва камчиликлари тўғрисида айтилган фикрлар борасида масала бир неча қисмга бўлинган. Биринчиси, пайғамбарларнинг бетоблик ва дардланишига боғлиқ ҳолатлар. Аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа вакилларинг фикрига кўра, набий ва расуллар касал бўлишади ва уларнинг дардлари оғир кечади. Ашъарийлар эса, уларнинг касаллик дардлари енгил кечади деб фикр билдиришади³¹. Дарднинг енгил кечиши ҳақидаги фикр нуқсонли, сабаби саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд пайғамбар Муҳаммад (сав) касал бўлиб турган ҳолатида саломатлик ҳақида сўраганда, хасталик икки кишиники каби эганлигини жавобини олади³². Бироқ касалликлар пайғамбарларнинг етказётган рисолатларига ҳеч қандай таъсири бўлмайди ва хасталик фақтгина уларнинг тан-аъзоларига оғир ҳолат етказидади.

Иккинчиси, гуноҳга тегишли масалалар. Гуноҳ мавзусини бир неча қисмга бўлиб ўрганилган. Катта гуноҳ, пайғамбарларда бундай амаллар уларга нубуват ва рисолат келмасидан олдин содир бўлган бўлиши мумкин. Бироқ нубуват ва рисолат

³⁰ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. -Тошкент: ТИУ. 2016, -б.338.

³¹ Доктор Солиҳ ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад Оли Шайх. Шарҳу-л-ақидати-т-Таҳовия. – Ар-Риёд: Дору-л-мавадда, 2011. – Ж.1, с.149

³² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. -Байрут: Дору Абу Касир, 2002. -б.1432.

келгач, ноанъанавий ислом вакилларида фарқли ўлароқ аҳлу-с-сунна уламолари наздида катта гуноҳга пайғамбарлар яқинлашмаганлар³³.

Кичик гуноҳ борасида. Бу турдаги гуноҳларнинг кўп бўлишлиги нубуват ва рисолатга тўсқинлик қилади. Ўз ўрнида кичкина гуноҳлар 2 турга бўлинган. Аввалгиси, ҳақгўйликка таъсир қилувчи бўлиб – бу содиқ сўзларга, рисолат хабарига ва омонатгўйликка зарар етказувчиси. Бундай турдаги кичик гуноҳлардан пайғамбарлар пок бўлишган ва уларда ундан ном-нишона ва асорат ҳам бўлмаган. Кейингиси, инсонийлик табиатига хос хато ва камчиликлар бўлиб – бу бирон-бир амали бажаришда, қандайдир дунёвий масаларда қарашларда нуқсон бўлган бўлиши мумкин деб қаралади. Масалан, пайғамбар Одам ман қилинган дарахт мевасини унутган ҳолда еб қўйган ва бу борада Қуръоннинг “Аъроф” сурасида (19-23-оятлар) қисса келтирилган. Ёки Мусо пайғамбар қибтий кишини билмасдан бир мушт тушуриб ўлдириб қўйган, Аллоҳ бунинг қиссасини ҳам Қуръоннинг “Қасас” сурасида (15-16-оятлар) айтиб ўтади.

Пайғамбарларнинг маъсумликлари (беғуноҳлик) масаласи “исмат” тушунчаси билан боғлиқ. “Исмат” сўзи луғатда “ман қилиш”, “сақлаш” маъносини англатади. “Исмат”нинг шаръий маъноси эса, Аллоҳнинг Ўз пайғамбар ва набийларини гуноҳ ва маъсият ҳамда мункар ва ҳаром ишларни қилишдан сақлашидир³⁴.

Пайғамбарларнинг маъсумлиги ҳақида аҳлу-с-сунна ва-л-жамонинг мазҳаббошиси Абу Ҳанифа ўзининг “ал-Фикҳу-л-акбар” номли асариди: “Пайғамбарларнинг бачалари кичик ва катта гуноҳлардан, куфр ва қабиҳ ишлардан покдир. Магар улардан баъзи саҳву хатоликлар содир бўлгани рост” дейди³⁵. Шунингдек ҳанафий мазҳаби олими Али ибн Усмон ал-Ўший ал-Фарғоний ўзининг “Бадийу-л-амолий” назмий асариди пайғамбарларнинг исмати борасида: “Пайғамбарлар қасддан гуноҳ қилиш ва вазифадан четланиш каби нуқсонлардан хотиржамдирлар”³⁶ дейди.

Олимлар, пайғамбарларнинг исматига далил сифатида Аллоҳнинг охириги элчиси Муҳаммад (сав) тавсифини Қуръонда келган: “(Эй, Муҳаммад!) **Биз Сизга аниқ фатҳ (ғалаба) бахш этдик.** (Бу фатҳ) **Сиз учун Аллоҳнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингизни кечиси, Сизга Ўз неъматини мукамал қилиб бериши, Сизни Тўғри йўлга ҳидоят қилиши, шунингдек, Аллоҳнинг Сизга кучли ёрдам бериши учундир**”³⁷ (Фатҳ-1-2-3) оятларини ҳужжат қилиб келтиришади.

Юқорида келтирилган хислатлар қаторида пайғамбарларда Қуръон ва суннатда келган умумийликка хос бўлган шартли сифатлар мавжуд. Улар қуйдагиларда иборат:

- Пайғамбарлар Аллоҳнинг танланган, сараланган элчилари бўлиш билан бирга, оддий инсон фарзанди ҳамдир. Бу ҳақиқат гарчи баъзи бир шахсларда турли фикрлар

³³ Доктор Солиҳ ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад Оли Шайх. Шарху-л-ақидати-т-Таҳовия. – Ар-Риёд: Дору-л-мавадда, 2011. – Ж.1, с.149.

³⁴ Ал-Мавсуъату-л-фикҳия. Визарату-л-авқоф ва-ш-шууни-л-исламия. – Қувайт: Визарату-л-авқоф ва-ш-шууни-л-исламия, 1994. – Ж.30, с.137.

³⁵ Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Абдулазиз Мансур. – Тошкент: ТИУ, 2006. – Б.25.

³⁶ Ўша манба. – Б.53.

³⁷ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. -Тошкент: ТИУ. 2016, -Б.511.

туғдиришига қарамсдан, улкан илоҳий ҳикматга сазовор хол деб таъкидлашади олимлар. Қуръонда келган: **“Одамларга ҳидоят келган пайтда, фақат: “Аллоҳ (фаришталарни эмас, балки) одамзотни пайғамбар қилиб юборибдими?!” – дейишларигина уларни имон келтиришларидан тўсди”**³⁸ (Исро-94) оят кўринадики, юқоридаги шахсларда бу нотўғри тасаввур «Одам боласи» Аллоҳ ҳузурида олий мартабада эканини тушуниб етмасликларидан келиб чиққан. Бошқача қилиб айтганда, улар ўзларига каби инсон пайғамбар бўлиши мумкин эканлигини тасаввур қила олмаганликларидан ёки такаббурликка кетганликлари сабабидан бу ҳолатни бўйсунмасликка важ қилиб олганликларидан деб тушунтиришади уламолар.

Қадимдан шаккок табиат инсонлар ўзлари каби оддий одам фарзандининг пайғамбар бўлишига ғалати хис туйғу билан қараб келганлар. Уларнинг тасаввурларида пайғамбар қандайдир бошқа ғайриоддий хусусиятларга эга бўлиши кераклиги ҳақида Қуръонда: **“(Яна) дедилар: “Бу қандай пайғамбарки, (оддий одамлардек) таом еса ва бозорларда юрса?!”**³⁹ тавсифи келади.

Пайғамбарлар оддий инсонлардир. Улар ҳам таом ейдилар, бозорга бориб савдо-сотик қиладилар ва бошқа тирикчилик ишларини бажарадилар. Шаккок ва мушрик табиат инсонлар бу ишларни ўзларича, камчилик, пайғамбарга тўғри келмайдиган иш деб баҳолар эдилар. Уларнинг фикрича, пайғамбар овқат емаслиги, бозорда юрмаслиги ва инсонга оид бошқа ишларни қилмаслиги керак, балки унинг ўрнига фаришта тушурилиши керак: **“Унга (пайғамбарлигини тасдиқлайдиган) бирор фаришта туширилиб, у билан бирга огоҳлантирувчи бўлса эди”**⁴⁰ (Фурқон-7) дейдилар.

Аллоҳ пайғамбарига шу каби гапларига жавоб беришни ўргатиб бундай дейди: **“Айтинг: “Агар Ерда (одамлар эмас) фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта, Биз уларга осмондан фариштани пайғамбар қилиб туширган бўлур эдик”**.⁴¹ (Исро-95)

Агар Яратувчи пайғамбар қилиб фариштани юборганда эди, ушбу шахслар “Бу пайғамбар фаришта, шунинг учун, шариат ҳукмларига осон амал қилади, биз оддий инсонмиз, унинг қилганини қила олмаймиз”, деган бўлар эдилар. Шунинг учун ҳам пайғамбар оддий инсондан чиқарилган.

- Пайғамбарлар ўтроқ шаҳар аҳолисидан ҳисобланишади. Яъни улар кўчманчи саҳро аҳолисидан эмас. Олимлар бунга далил қилиб Қуръондан: **“(Эй, Муҳаммад!) Биз Сиздан олдин ҳам фақат шаҳар аҳлларида бўлган кишиларни пайғамбар қилиб, уларга ваҳий юборганмиз”**⁴² (Юсуф-109) оят келтиришади.

- Пайғамбарлар ўз қавмлари тилида гаплашувчи инсонлардан бўлишган. Буннинг тавсифи Қуръонда: **“Биз ҳар бир пайғамбарни (ҳукмларимизни) баён қилиб**

³⁸ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. -Тошкент: ТИУ. 2016, -Б.288.

³⁹ Ўша манба.-Б.360.

⁴⁰ Ўша манба. -Б.361.

⁴¹ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. -Тошкент: ТИУ. 2016, -Б.289.

⁴² Ўша манба.-Б.248.

бериши учун ўз қавмининг тили билан (сўзлайдиган қилиб) юбордик⁴³ (Иброҳим-4) деб келган. Табиийки бунда катта бир ҳикмат бор. Чунки бошқа қавм тилини тушуниш қийин бўлар эди. Ҳамма пайғамбарлар ўз қавмларига юборилган ва уларга қавмлари тилида ваҳий келган. Жумладан пайғамбар Муҳаммад (сав)га ҳам ўз қавмининг тили – араб тилида ваҳий келди. Аммо бу ўринда уламолар мулоҳаза қилган фикрлардан баъзиларини айтиб ўтиш лозим.

Бошқа пайғамбарлар маълум қавмга ва маълум муддатга келган бўлсалар, Муҳаммад (сав) қавмларнинг ҳаммасига қиёмат кунига қадар пайғамбар қилиб юборилган. У кишининг умри чекланган. Шунинг учун, динни ҳамма қавмларга ўзи етказиши қийин. Турли макон ва замонларда яшайдиган турли қавмларга бир пайғамбарни ҳар-хил тиллар билан юбориб бўлмас эди. Аввало, бу ишни бажариш жисмонан мушкул. Унинг устига, дунёда хилма-хил тиллар жуда кўп. Ҳозирги тиллар ичида Қуръон нозил бўлганидан кейин пайдо бўлганлари ҳам бор. Бундан маълумки, ҳар бир қавмга ўз тилида ваҳий келиши керак бўлса, кейин пайдо бўлган тилларда сўзлашувчилар нима қилган бўлар эдилар. Бундан ташқари, тилларнинг имконияти ҳам ҳар хил. Шунинг учун, Аллоҳ луғавий нуқтаи назардан бой ва Қуръонни абадий мўъжиза бўлиб қолишини ҳам кўтара оладиган тилни – араб тилини танлаб нозил қилди.⁴⁴

- Пайғамбарларга лозим бўлган сифатлардан яна бири, бу уларнинг эркак кишидан бўлиши. Қуръонда бу ҳақида: **“(Эй, Муҳаммад!) Биз Сиздан олдин ҳам фақат шаҳар аҳлларидан бўлган кишиларни пайғамбар қилиб, уларга ваҳий юборганмиз”**⁴⁵ (Юсуф-109) дейилади.

Ўтган пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам эркак кишилар бўлган. Аёл кишилардан пайғамбар бўлган эмас. Чунки аёлларнинг табиий, жисмоний тузилишлари пайғамбарликдек оғир вазифага мос эмас. Юқорида айғамбарлар эр кишидан бўлишлиги ҳақида келтирилган оятдан ташқари яна, Наҳл сурасининг 43-ояти ва Анбиё сурасининг 7-оятларида очик баёнлар келган. Оятлардаги “эркаклар” маъносини ифодаловчи сўзи ҳар уч оятда ҳам “рижалан” шаклида келади.

Пайғамбарларнинг сифатлари ҳақида ҳанафий олими Али ибн Усмон ал-Ўший ал-Фарғоний ўзининг “Бадъул-амолий” асарида: “Аёл киши ҳаргиз пайғамбар бўлмаган. Шунингдек, қул ва фирибгар ҳам”⁴⁶.

Шу ўринда аёллардан нега пайғамбар чиқмаганлигини бир қанча жиҳатини ёритиб ўтиш керак. Қасосга боғлиқ ва шаръий масалаларни ижро қилишни тушунтириш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш каби ишлар нозик қалбли аёлларга мос келмайди. Қолаверса, аёлнинг жисмоний тузилиши ҳам бунга монелик қилади. Чунки нубувват вазифасини ойда беш-ўн кун ҳайз сабабли адо эта олмайди, имомликка ўтолмайди,

⁴³ Ўша манба. - Б. 255.

⁴⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2016. Ж.20, - Б. 20.

⁴⁵ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. - Тошкент: ТИУ, 2016, - Б. 248.

⁴⁶ Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Абдулазиз Мансур. – Тошкент: ТИУ, 2006. – Б. 53.

рўзасини тутолмайди. Бундан ташқари лоҳасалик ҳолати бор, ҳомиладорлигида иш юритиши умуман қийинлашади. Чунки қорни ёки кўлидаги гўдак билан қўшинни бошқариш, олдинги сафларда эпчил ҳаракат қилиш мушкул. Буларнинг бари аёлнинг пайғамбар бўлишига имкон бермайдиган ҳолатлар. Бунда зинҳор аёлни пастга уриш маъноси йўқ, балки унинг ожизалигини эътиборга олиб, уни машаққатга солмаслик риояси бор. Агар, баъзилар ўйлагандек, аёлни пайғамбарликдан узоқ қилиш нияти бўлганда унинг пайғамбарларга она бўлиши ҳам раво кўрилмас эди.

- Пайғамбарлар ростгўй бўлишган. Ҳар бир инсон учун зарур бўлган ростгўйлик сифати пайғамбарлик учун, албатта, бўлиши лозим бўлган сифат. Чунки ёлғончилик оддий инсонга ҳам лойиқ кўрилмайдиган разил сифат бўлганидан кейин пайғамбарлардек зотларда бундай разилликнинг бўлиши ақлан ҳам, нақлан ҳам мумкин эмас. Пайғамбар Муҳаммад (сав) ёшликдиган ростгўй ва садоқатлилиги билан ажралиб турганидан у кишини Содиқ ва Амин деб аташган⁴⁷.

Ваҳий тушганидан сўнг ростгўйлиги ва садоқатлилиги янада ошишига қарамасдан уни шоирликда ва фолбинликда айбланиб, айтаётганларини ўзи тўқиб олган деган бўҳтонлар кўпайди. Бу бўҳтонлар асоссиз эканлигини билдириб Қуръонда: **“У бирор шоирнинг сўзи эмасдир. Сизлар (ушбу Қуръонга) камдан-кам имон келтирурсиз. (У) бирор хоҳин (фолбин)нинг сўзи ҳам эмасдир. Сизлар камдан-кам эслатма олурсиз”**⁴⁸ (Ҳоққа-41-42) оятлар келтирилади.

Пайғамбар гапиряптган сўзларини Аллоҳнинг номидан ўзи тўқиб гапиряпти деб, ёлғонда айблаётганларга раддия сифатида Қуръонда: **“Агар (пайғамбар) Бизнинг номимиздан (Биз айтмаган) баъзи сўзларни тўқиб айтганда эди, албатта, Биз унинг ўнг кўлидан тутган, сўнгра унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлур эдик. У ҳолда сизлардан бирор киши ундан (пайғамбардан ҳалокатни) тўса олувчи бўлмас эди”**⁴⁹ (Ҳоққа-44-47) деган маънодаги оятлар келади.

Шунингдек **“Марямнинг ўғли Исога мўъжизалар бердик ва уни Руҳул-қудус (Жаброил) билан қувватладик”** ояти мисоли каби Қуръода доимо Исони онаси Марямга нисбат бериб зикр қилади. Бу билан у кишининг инсон эканини таъкидлайди ва у зот ҳақидаги турли афсоналарнинг бекор эканини исбот ҳам қилади. Исога берилган мўъжза, у кишига туширилган Инжил китоби ва очиқ далиллар киради. “Муқаддас руҳ”дан мурод Жаброил фариштаси. Жаброил вайҳий фариштаси бўлиши билан бир қаторда қайси пайғамбарга юборилган бўлса катта қўллаш бўлиб ҳисобланган.

Оятда пайғамбар Муҳаммад (сав)га хитоб бўлаётгани учун у кишининг фазллари зикр қилинмади. Пайғамбар Муҳаммад (сав)нинг фазли бошқа набий ва расуллардан устунлиги борасида кўп маълумотлар келишига қарамасдан у инсон, саҳоба Абу

⁴⁷ Абдумалик ибн Ҳишом ал-Маъорифий. Ас-сийра ан-набавийя. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Нёматуллоҳ Иброҳимов. -Тошкент: Шарқ, 2011. Ж.1.

⁴⁸ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. - Тошкент: ТИУ, 2016, - Б. 567.

⁴⁹ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. - Тошкент: ТИУ, 2016, - Б. 568.

Ҳурайрадан қилинган ривоятда: *“Мени бошқа пайғамбарлардан устун қўйманглар”*⁵⁰, дейди.

Уламолар юқоридаги оят ва ҳадисдаги маъноларнинг бир-бирига қарама-қарши эмаслигини таъкидлаб, оятда воқеъликдан хабар берилган, ҳадисдаги даъват эса пайғамбар Муҳаммаднинг камтаринлигига, набий ва расулларнинг фазлини белгилаш Аллоҳнинг иши эканига далолат, деганлар.⁵¹

Пайғамбарларни бир ҳилда кўриш, уларга бирдек иймон келтириш ва ҳар бирини тенг эъозлаб, ҳурмат қилиш мусулмонларнинг асосий қоидаси. Қуръонда бунга аниқ далил сифатида: **“Пайғамбар (Муҳаммад) ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага (оятларга) имон келтирди ва мўминлар ҳам. (Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди”**⁵².

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, пайғамбарлик бу оддий нарса эмас, балки Аллоҳ таолодон бериладиган буюк мақом экан. Бу мақомга ҳар ким ҳам ўз хоҳиши билан эриша олмас экан. Бугунги кунда деярли бир хил маънода ишлатилаётган набий ва росул сўзлари ораси анча тафовут борлигини билиб олдик, бундан ташқари Набий ва росул орасидаги мавқеи борасида ислом оламида бир қанча йўналишда қарашлари мавжуд лигини келтириб ўтдик. Набий ва росул ўртасидаги фарқ ҳадисларда ҳам келтирилган экан. Шунингдек, Аллоҳ таоло ўз бандаларидан танлаб олган пайғамбарларни шунчаки жўнатмаган, бундан маълум мақсадлар бўлган ва уларга маълум бир вазифалар белгиланган. Аллоҳ таоло пайғамбар қилиб танлаган бандалари гарчи оддий инсон бўлсалар ҳам лекин, умумбашардан бир қанча фарқлик сифатлари бўлган. Улар олдиндан бу буюк вазифага тайёрлаб келинган, гуноҳ ва маъсиятлардан пок бўлишган, жисмоний ва маънавий нуқсонлари бўлмаган. бу нарсаларнинг ҳаммаси Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ўз тастиғини топган.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Абдумалик ибн Ҳишом ал-Маъорифий. Ас-сийра ан-набавийя. Нашрга тайёрловчи ва таржимон Нейматуллоҳ Иброҳимов. -Тошкент: Шарқ, 2011.
2. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. - Тошкент: ТИУ. 2016.
3. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. - Тошкент: ТИУ. 2016.
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. -Байрут: Дору Абу Касир, 2002. –Б.245.Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақидалар. –Тошкент: Ҳилол-нашр

⁵⁰ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий. -Байрут: Дору Абу Касир, 2002. – Б. 245.

⁵¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақидалар. –Тошкент: Ҳилол-нашр, 2017. -Б.283.

⁵² Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. -Тошкент: ТИУ. 2016, - Б. 49.

Malikova Dildoraxon Qobilovna
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti,
Ijtimoiy fanlar fakulteti 2-kurs magistranti
(Tashkent, Uzbekistan)

OMMAVIY MADANIYATGA QARSHI KURASHDA MAFKURANING O'RNI

Annotatsiya: Ushbu maqolada ommaviy madaniyatga qarshi kurashda o'zbek xalqining ma'naviyati, qadriyatlari va mafkuraning zarurligi, uning jamiyatdagi o'rne va ahamiyati yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: ommaviy madaniyat, zo'ravonlik, an'ana, qadriyat, g'oya, mafkura, tarbiya, yoshlar.

Аннотация: В статье подчеркивается необходимость духовности, ценностей и идеологии узбекского народа в борьбе с массовой культурой, ее роль и значение в обществе.

Ключевые слова: массовая культура, насилие, традиции, ценности, идеи, идеология, воспитание, молодежь.

Annotation: This article highlights the spirituality, values and ideology of the Uzbek people, their role and importance in society in the fight against popular culture.

Keywords: popular culture, violence, tradition, values, ideas, ideology, upbringing, youth.

To'la ishonch bilan aytish mumkinki, XXI asrda boshqa bir davlatlar ta'siriga uchramagan biror bir mamlakat qolmadi. Hattoki o'zini xalqaro tashkilotlarning ta'siridan chegaralamoqchi bo'lgan davlatlar ham globallashuv jarayonidan to'raligicha chetlab o'ta olayotgani yo'q. Deyarli barcha mamlakatlarning rivojlanishning yangi bosqichiga qadam qo'yimoqda. "Butun jahonda iqtisodiy va madaniy makonning paydo bo'lishiga hamda dunyo miqyosidagi yagona insoniy mushtaraklikning vujudga kelishi..., umumjaxon yagona axborot almashuv makonining barpo etilishi kishilik sivilizatsiyasining yangi shakli yuzaga kelishiga olib boradi"⁵³. Lekin shuni aytish kerakki, bu makonda yangi va mutlaqo qadriyatlar tizimiga yod bo'lgan yangi xavflar - qarashlar, tamoyillar hamda xulq-atvor tizimlari kirib kelmoqda.

Globallashuvning turli davlatlarga ta'siri har xil. Bu dunyo davlatlarining iqtisodiy, siyosiy hamda ma'naviy holati bilan bog'liq jarayondir. Mamlakatimiz Birinchi Prezidenti Islom Karimov "Ommaviy madaniyat" degan niqob ostida axloqiy buzuqlik va zo'ravonlik, individualizm, egotsentrizm g'oyalarini tarqatish, kerak bo'lsa shuning hisobidan boylik orttirish, boshqa xalqlarning necha ming yillik an'ana va qadriyatlari, turmush tarzining ma'naviy negizlariga bepisandlik, ularni qo'porishga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo'ymaydi. Hozirgi vaqtda axloqsizlikni madaniyat deb bilish va aksincha,

⁵³ Yuldasheva F. Методологические проблемы процесса глобализации.. //Ijtimoiy fikr. Inson huquqlari. 2008. № 2. 75 - bet

asl ma'naviy qadriyatlarni mensimasdan eskilik sarqiti deb qarash bilan bog'liq holatlar bugungi taraqqiyotga, inson hayoti, oila muqaddasligi va yoshlar tarbiyasiga katta xavf solmoqda⁵⁴. Shu o'rinda salbiy ta'sirning oldini olish hamda ijobiy xususiyatlarni anglash uchun bu jarayonning mohiyatini to'liq anglab yetish zarur hisoblanadi.

G'arb dunyosida ayniqsa Yevropa madaniyati o'zining ko'p yillik an'analarga boyligi bilan ajralib turadi. Bu madaniyat so'nggi yillarda globallashuvning ta'siri ostiga tushib "pop-madaniyat"ning turli ko'rinishlari namoyon bo'ladigan maskanlardan biriga aylanib bormoqda. Bu madaniyat elita qatlarning ruhiyatini yoki xalqlarning ma'naviyatini ifodalamaydi. Ommaviy madaniyatning keng tarqalishida ommaviy axborot vositalari hamda internetning rivojlanishi muhim o'rinni egalladi. "Tashviqotlardan ko'zlangan maqsadi ham juda katta, ya'ni katta foydaga ega bo'lish, u yoki bu mamlakatning iqtisodiyoti va moddiy resurslarini qo'lga kiritish, ularning milliy ma'naviyatini egallash, o'z urf-odat, an'ana, axloqiy qadriyatlarini o'zgaral ongi va qalbiga singdirish, ularni amalga oshirish yo'li bilan o'zga millatni ma'naviy qashshoq, o'zligidan mahrum qilishdan iborat ekanligi inkor etib bo'lmaydigan haqiqatdir"⁵⁵

Globallashuv jarayonidan hech bir davlat chetda qolayotgan emas, shu jumladan O'zbekiston ham. Mamlakatimiz hayotiga va insonlar turmush-tarzigiga ham "ommaviy madaniyat" ta'siri ostida kirib kelgan turli g'oyalar, tamoyillar, ta'limotlar, tushunchalar o'rin egallashga urinmoqda. "Ommaviy madaniyat"ning O'zbekistonda asosan yoshlar orasida keng tarqalishi ularning ma'naviyatiga juda ham qattiq ta'sir qilmoqda. Ma'naviy hayotimiz turli xil tarixiy va madaniy davrlarda insoniy izlanishlar, ma'naviy me'zonlar, ijtimoiy ideallar hamda tafakkur bilan hamkorlikda shakllangan. Ammo ma'naviyatning eng muhim xususiyati shuki, inson ruhiyatidagi qadriyatlarni tan olinishidadir. Ma'naviyat reallik hamda ideal o'rtasidagi farqni tushunishdan kelib chiqadi. Shundan kelib chiqib aytak bo'ladiki, ma'naviyat tarixiy shakllangan madaniy o'zini belgilashning shaklidir. Ma'naviyat qandaydir xususiyat, mulk, din yoki san'at emas, u o'z tarkibida mukammallik, halollik, inson ruhiy hayotining barcha elementlarining o'zaro bog'liqlik taraflarini namoyon etadi. Yoshlar orasida ma'naviy barkamollikning o'ziga xos ahamiyati bugungi kunda o'ta muhim bo'lib bormoqda. Chunki bugungi kunda moddiy qadriyatlar (moddiy boylikka erishish, ko'ngil xushliklar va lazzatlanish imkoniyatlari.) ma'naviy qadriyatlardan ko'ra ko'proq yoshlar uchun ahamiyatga ega bo'lib bormoqda. Buning asosiy sabablaridan biri sifatida yoshlar ko'proq vaqtini ommaviy va madaniy bo'shliqda o'tkazmoqda, shu sababli jamiyatning biror bir instituti ularning ma'naviyatiga sezilarli ta'sir etolmayapti. Shuningdek oilaviy munosabatlardagi keskinliklar, bolaga nisbatan agressiv munosabatda bo'lish oxir-oqibat bolaning begonolashishiga olib kelmoqda. Bugungi kunda O'zbekiston hududida axborot vositalarning tijorat yo'lga o'tishi, "ommaviy madaniyat"ning turli shakllari yoshlarning yurish-turishi, dunyoqarashiga shakllanishiga butunlay ta'sir etmoqda.

Umuman olganda bunday mafkuramizga yod g'oyalar, qarashlar hamda milliy ma'naviyatimizga katta xavf soladigan tushunchalar avvalambor mamlakatimizning mustaqilligiga qarshi qaratilgandir. Har bir shaxs bu yo'lda avvalambor o'ziga maqsadni aniq qilib belgilab olishi kerak. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev biz yaratayotgan Yangi

⁵⁴ Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. -T.: Ma'naviyat, 2008. -118 b

⁵⁵ Otamuratov S. Globallashuv va millat. -T.: «Yangi asr avlodi», 2008, -B. 46

O'zbekistonning mafkurasi ezgulik, odamiylik, gumanizm g'oyasi bo'ladi degan fikrlarida ham katta ma'no bor. Biz mafkura deganda, avvalo, fikr tarbiyasini, milliy va umuminsoniy qadriyatlar tarbiyasini tushunamiz. Albatta, bu yuksak g'oyalar osmondan tushmagan. Ular xalqimizning necha ming yillik hayotiy tushuncha va qadriyatlariga asoslangan⁵⁶.

Bugun bir haqiqatni sira ikkilanmasdan, baland ovoz bilan aytish uchun barcha asoslarimiz bor: "Istiqlol yo'lida qanday suronli kunlarni, qiyinchilik va to'siqlarni yengishga to'g'ri kelmasin, yurtimizga nisbatan qanday xuruj, zug'um va po'pisalar bo'lmasin, biz eng og'ir va mashaqqatli damlarda ham mustaqillik g'oyasiga sodiq qolib, O'zbekiston manfaatini hamma narsadan ustun qo'yib, o'z tanlagan yo'limizdan qaytmadik va bu yo'ldan hech qachon qaytmaymiz"⁵⁷

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Yuldasheva F. *Методологические проблемы процесса глобализации.*//Ijtimoiy fikr. Inson huquqlari. 2008. № 2. 75 – bet
2. Karimov I.A. *Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch.* -T.: Ma'naviyat, 2008. -118 b
3. Otamuratov S. *Globallashuv va millat.* -T.: «Yangi asr avlodi», 2008, -B. 46
4. <https://daryo.uz/2021/01/20/shavkat-mirziyoyev-milliy-goya-deganda-eski-sovet-mafkurasini-tasavvur-qilib-labiga-uchuq-toshayotganlar-ham-yoq-emas/>
5. Birinchi Prezident Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 20 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi tabrik so'zi. //Xalq so'zi, 2011 yil 1 sentyabr.

⁵⁶ <https://daryo.uz/2021/01/20/shavkat-mirziyoyev-milliy-goya-deganda-eski-sovet-mafkurasini-tasavvur-qilib-labiga-uchuq-toshayotganlar-ham-yoq-emas/>

⁵⁷ Birinchi Prezident Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 20 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi tabrik so'zi. //Xalq so'zi, 2011 yil 1 sentyabr.

Rametullaev Inayatulla Xabibullaevich
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti yuridika fakulteti talabasi
(Nukus, Uzbekistan)

**MAHALLIY DAVLAT HOKIMIYATI ORGANLARINING MA'NAVIY-MA'RIFIY
SOHADAGI VAZIFALARI**

Annotatsiya: *Ushbu maqolada jamiyatning ma'naviy-ma'rifiy asoslarini mustahkamlash sohasidagi ustuvor vazifa, bu sohaning ahamiyati, shuningdek ma'naviy-ma'rifiy sohada mahalliy davlat hokimiyati organlarining vazifalari to'g'risida bayon etilgan.*

Kalit so'zlar: *yosh avlod, Harakatlar strategiyasi, globallashuv, davlat boshqaruv organlari, mahalliy davlat hokimiyati, urf-ofat, ommaviy madaniyat, qonun.*

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda jamiyat hayotining ma'naviy-ma'rifiy asoslarini mustahkamlash, milliy istiqloq g'oyasining asosiy tushuncha va tamoyillarini hayotga joriy etish, yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yosh avlod qalbida Vatan taqdiri va kelajagi uchun daxldorlik va mas'uliyat hissini oshirish, yot g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitetni kuchaytirishga yo'naltirilgan targ'ibot tizimi shakllandi. Bu jarayonda Respublika Ma'naviyat targ'ibot markazi, uning joylardagi tuzilmalari hamda Milliy g'oya va mafkura ilmiy-amaliy markazi tomonidan muayyan ishlar amalga oshirildi. Bugungi kunda dunyoda globallashuv jarayonlari kuchayib, tinchlik va barqarorlikka qarshi yangi tahdid va xatarlar tobora ko'payib bormoqda. Bunday murakkab va tahlikali vaziyat sohada amalga oshirilgan ishlarni tanqidiy baholab, uning faoliyatini zamon talablari asosida takomillashtirishni taqozo etmoqda.

Mamlakatimizda qabul qilingan 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida eng avvalo, davlat boshqaruv organlarining quyi bo'g'inlari faoliyatini tubdan yaxshilash, ularning xalq bilan muloqot qilishini ta'minlash, bu borada samarali ijtimoiy hamkorlik mexanizmini mustahkamlash ustuvor vazifa sifatida belgilab qo'yilgan.

Aholining madaniy va estetik ehtiyojlarini yanada to'la qondirishga, teatr, musiqa, tasviriy san'at hamda boshqa san'at turlarini rivojlantirishga, xalqimiz tarixi va bugungi hayotining eng yorqin sahifalarini, mamlakatimizning erkin demokratik taraqqiyotini aks ettiruvchi asarlar yaratishda ijodiy jamoalarga har tomonlama yordam ko'rsatishga alohida e'tibor qaratildi.

Mahalliy ijroiya hokimiyati organlari faoliyatining samaradorligini oshirish, tashkiliy tuzilmasini yanada takomillashtirish va mustahkamlash, hududlarni kompleks rivojlantirishni ta'minlash, ijtimoiy soha rivojini yanada rag'batlantirish, ishlab chiqarish kuchlarini optimal joylashtirish, hududlarning tabiiy-xomashyo, yer-suv, ishlab chiqarish va mehnat salohiyatidan oqilona foydalanish, aholi bilan muloqot qilish, ularning manfaatlarini himoya qilish uchun ehtiyoj va talablarini o'rganish asosida turmush darajasi va sifatini izchil oshirib borish, yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishni samarali tashkil qilish maqsadida 2016-yil 22-dekabrda "Mahalliy ijroiya hokimiyati organlari faoliyatini yanada takomillashtirish to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori qabul qilindi. Qarorda viloyatlar, Toshkent shahri, shahar va tumanlar hokimlarining yoshlar siyosati,

ijtimoiy rivojlantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosarlarining ma'naviy-ma'rifiy ishlar sohasida aholi o'rtasida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlari, keng ko'lamli islohotlarning mohiyati, qabul qilingan qonun hujjatlari va davlat dasturlari ahamiyatining targ'ibot va tashviqotini tashkil qilish; aholining ma'naviy muammo va ehtiyojlarini o'rganib borish asosida hududda ma'naviy muhit sog'lomligini ta'minlash, tashkiliy-huquqiy shaklidan qat'i nazar barcha tashkilotlarning ma'naviy-ma'rifiy faoliyatini muvofiqlashtirish va rahbarlik qilish; aholining ma'naviy-axloqiy, diniy-ma'rifiy, madaniy saviyasini oshirish va uning doimiy ravishda o'sib borayotgan intellektual, estetik va madaniy ehtiyojlarini ta'minlash, ma'naviy-ma'rifiy merosni, urf-odat va qadriyatlarini saqlash, targ'ib qilish ishlariga rahbarlik qilish; hududda sog'lom turmush tarzi, millatlararo totuvlik, o'zaro mehr-oqibat muhitini mustahkamlashga qaratilgan ommaviy tadbirlarni tayyorlash va tashkil etish masalalarini muvofiqlashtirish, tadbirlarning maqsadli, rejali, tartibli tashkil etish va tarbiyaviy samaradorligini ta'minlash chora-tadbirlarini ko'rish; hududda jinoyatchilik va huquqbuzarlikning oldini olish, odamlarni hushyorlik va ogohlikka da'vat etish, yoshlarda yot g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitetni mustahkamlash, huquqiy madaniyatni yuksaltirish, fuqarolarda qonunga hurmat, huquqbuzarlik holatlariga muhosasizlik hissini kuchaytirishga qaratilgan samarali targ'ibot tizimini yo'lga qo'yish; aholi orasida diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, odam savdosi, noqonuniy migratsiya, "ommaviy madaniyat" tahdidlaridan ogoh qilishga qaratilgan profilaktik ma'rifiy, tarbiyaviy chora-tadbirlarga rahbarlik qilish; aholi orasida mehr-oqibat, mehr-shafqat, muruvvat va himmat, insofu diyonat, vijdoniylik, ahillik va totuvlik, fidoyilik, vatanparvarlik, olijanoblik va boshqa fazilatlarini targ'ib qilish hamda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni rivojlantirishda mahalla institutining o'рни va rolini oshirish borasidagi ishlarga rahbarlik qilish; mamlakatda olib borilayotgan ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha siyosatning maqsad va vazifalaridan kelib chiqib, hududda tashkil etiladigan chora-tadbirlar mazmuni, samaradorligini tahlil qilish, sohalarining tizimli faoliyatini tashkil qilish singari vazifalari belgilab berilgan.

Umuman olganda, jamiyat hayotining ma'naviy-ma'rifiy asoslarini mustahkamlash, milliy istiqlol g'oyasining asosiy tushuncha va tamoyillarini hayotga joriy etish, yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yosh avlod qalbida Vatan taqdiri va kelajagi uchun daxldorlik va mas'uliyat hissini oshirish, yot g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitetni kuchaytirishga yo'naltirilgan targ'ibot tizimida mahalliy davlat hokimiyati organlari muhim bo'g'in hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. "Mahalliy ijroiya hokimiyati organlari faoliyatini yanada takomillashtirish to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori
2. "Madaniyat va sport sohasida boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni
3. "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori

Баҳромов Суннатилла Ҳамиджон ўғли
магистранти
(Ташкент, Узбекистан)

ҚУРЪОНИ КАРИМ ОЯТЛАРИДА МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАСАЛАСИ

Ислоҳ динининг асосий таянч манбаси бўлган Қуръони карим оятларини дақиқлик билан ўрган муҳаққиқ уламоларимиз маълум бир мавзулари атрофида бир неча масалалари баён қилганлар.

Аллоҳ таоло Қуръони карим “Бақара” сурасининг 27-ояти каримасида шундай марҳамат қилади:

“Қайсики, (улар) Аллоҳ аҳдини унинг битимидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларини узадиган ва ерда бузғунчилик қиладиган кимсалардир. Улар, албатта зиён кўрувчилардир”

(“Бақара - 27”)

Қуръони карим маъноларини ўзбек тилига ўгирган олимларимиздан бири **Абдулазиз Мансур:**

“Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган” калимасини шундай шарҳлайди.

Боғланишга буюрган нарсалар деганда, қавм –қариндошлар билан боғланиб, уларга силаи раҳм қилиш, мўмин – мусулмонлар билан яхши мунособатда бўлиш, пайғамбарларни айирмай ҳаммасига баробар имон келтириш каби ишлар назарда тутилади.”

Силаи раҳм – яқинлар билан қариндошлик ришталарини боғлашлик, дўсту биродарга, инсонларга, мискин ва фақирларга меҳр-мурувват кўрсатишдир.

Демак, ояти каримада айтилишича, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни, жумладан, силаи раҳм - меҳр-мурувват кўрсатишни узадиган кимсалар зиён кўрадиганлардир.

“Бақара” сурасининг 27-оятидан қуйидагилар ўрганилади:

1. **Силаи раҳм, яъни меҳр-мурувватли бўлиш Аллоҳнинг буйруғи эканлиги.**
2. **Аллоҳнинг ҳукмига итоат қилмай бу каби ришталарни узадиганларга у зотнинг итоб қилиши.**
3. **Меҳр-мурувватсиз кишиларнинг зиён кўриши.**
4. **Масала муҳим аҳамиятга эгалиги боис, бу хусусда оят нозил бўлгани.**

“Бақара” сурасининг 83-оятда шундай дейилади:

Эсланг, Исроил авлодидан: “Фақат Аллоҳгагина сиғинасилар, ота-она, қариндош, етим, ва мискинларга яхшилик қиласизлар, одамларга ширин сўз бўлинг, намозни мукамал адо этинг, закот беринг,”-деб аҳд олган эдик. Кейин (сиз, Исроил авлоди.) озгина қисмингиз (ушбу аҳддан) юз ўгирдингиз.

Маълум бўлишича Исроил авлоди Аллоҳ таолога:

1. **Ширк келтирамсикка.**
2. **Ота-она, қариндошлар, етиму мискинларга яхшилик қилишга.**

3. Намоз ўқимоққа.

4. **Закот беришга аҳду паймон қилиб кейин эса озгина қисм одамларгина сўзига содиқ қолиб қолганлари юз ўғирибди. Ваъдаларига хилоф равишда иш кўрибдилар.**

Бу каби тарихий қиссалар аввало мўмин мусулмонларга, волаверса, бутун инсониятга эслатма сифатида Қуръони карим юятларидан ўрин олган. “Бақара” сурасининг 83-ояти маълумотларига таяниб қуйидагилар хулоса сифатида баён қилинади:

1. **Меҳр-мурувват кўрсатиш Қуръони карим нозил бўлмасидан бурун ҳам одамлар орасидаги яхши фазилатлардан бири бўлганлиги.**

2. **Бандаларининг бир-бирига раҳм шавқатли бўлишлари Аллоҳ таоллонинг хоҳишлиги.**

3. **Айни оятда “Силаи раҳм” масаласи Аллоҳга ширк келтирмасликдан, сўнг иккинчи ўринда туриши.**

4. **Бани Исроилнинг фазилга эгалиги.**

5. **Аллоҳ таоллонинг бандаларин Исроил авлоди содир этган хатони бошқа умматлар такрор этмаслиги учун чорлови.**

Ер юзиде осойишталик, тотувлик, тинчлик, бирдамлик ҳукм суриши учун унда яшайдиган одамлар бир-бирлари билан яхши муомалада бўлмоқлари лозим. Эҳтиёжманд кишиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши, қўллаб қувватланиши даркор.

Инсонларнинг қалблари меҳрнинг маконидир. Қалби пок кишининг мурувватли-саҳоватли бўлиши шубҳасиз.

Демак, мана шундай қалби тоза, саҳий кишилар ўз ёрдамларини:

1. **Ота-онага.**

2. **Қариндош уруғларга.**

3. **Етимларга (ногирон кишиларга).**

4. **Мискину фақирларга кўрсатишлари керак.**

Ҳам ширин сўз, мулойим муомала билан, қолаверса, имкон қадар уларнинг эҳтиёжини қондирса, бундай инсонларга ажрў мукофатни аввало, Аллоҳ таоллонинг ўзи беради. Инсонларнинг дуою олиқишига ҳам сазовор бўлади.

“Бақара” сурасининг 215-оятига диққат қаратамиз:

“Сиздан (Эй, Муҳаммад) қандай эҳсон қилишини сўрайдилар. Айтинг “Ниманики хайр – эҳсон қилсангизлар, мискинлар ва мусофирларга қилингизлар. Ҳар қандай қилган эҳсонларингизни Аллоҳ билиб турувчидир”.

286 оятдан иборат “Бақара” сурасининг ўзида мазкур мавзу учун алоҳида уч оят бағишланганлиги маълум бўлди.

Юқорида иқтибос келтирганимиз 215-ояти жалилага кўра Аллоҳ таолло, Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи саломга таълим бериб, мўминлар қандай хайр-эҳсон қилишлари лозимлигини уқтиради.

Эҳсон кишиларга ва қай тартибда қилиниши лозим?

1 **Ота-онага.**

2 **Қариндошларга.**

3 Етимларга.**4 Мискинларга.****5 Мусофирларга.**

Бу тоифа кишилар меҳр-мурувват курсатилиши лозим одамлар сарасига киради.

Ота-она фарзандини вояга етказиб, кучи, қуввати заифлашиб, қарилик даврига етганида кўнгли ширин сўзга, бировнинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади. Динимизда, шу боис ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш, моддий ва маънавий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қариндошлар –инсоннинг яқинлари, уруғлари бўлиб, улар билан доимо боғланиб туриш, хабардор бўлиб, кези келса ёрдам бериш хайрли амалдир.

Жамиятдаги яна бир тоифа –етимлардир.

Ҳақ дин бўлган Ислому етимларга жиддий эътибор қаратиб, ҳаётда уларнинг саодат топиб яшашлари учун, бошқа инсонлардан кам бўлмасликлари учун барча тадбирни кўради.

Меҳр-мурувватни ота-онасидан топа олмаган етимлар, хайри эҳсонни жамияти –атрофида яшаётган кишилардан топади.

Юртимиз Ўзбекистонда ҳам бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. **“Меҳрибонлик”** уйларида таълим ва тарбия топаётганларга доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Мискинлар- кам таъминланган, иқтисодий ёрдамга эҳтиёжи бор кишилар тоифаси динимиз кўрсатмаларига кўра, бу гуруҳ вакилларига ҳам меҳр-мурувватли инсонларнинг ёрдами лозим бўлади.

Мусофир сафар жараёнида турли қийинчиликлар, машаққатларга дуч келишлари инobatга олиниб, уларга ҳам диққат қилиниши, кези келганда қўллаб қувватланиши жорий қилинган.

Жамиятнинг соғлом бўлиши унда яшайдиган кишиларга боғлиқдир. Инсонлар бир-бири билан яхши муносабатда булса, Аллоҳ ва унинг Расулининг амрига бўйсуниб ҳаёт кечирса, кишилар қалбини шод қилишни, ҳаётига, умрига хурсандчилик бахш этишни йулга қўйса, айна шу инсон, саодат топоди. Дунё ва охират яхшиликларига муяссар булади.

Давидов Умиджон Хасан ўғли
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси
(Тошкент, Ўзбекистон)

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИДЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада глобаллашув замонавий цивилизация тараққиётининг муҳим хусусиятлари таҳлил қилинган. Унинг жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий соҳаларига таъсири ўрганилган. Дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини ифодаловчи технологик глобаллашув, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўзига ифодаловчи сиёсий глобаллашув, фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий- маданий глобаллашув жараёнларининг миллий тарбияга таъсири масаласи тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: глобаллашув, маънавият, миллий тарбия, интернационаллашув, “оммавий маданият”, миллий ўзликни англаш, таҳдид, модернизация.

Бугунги кунда илмий адабиётларда “глобаллашув”, “глобаллашув жараёнлари”, “оммавий маданият”, “модернизациялаш” каби тушунчалар кўп ишлатилмоқда. Бу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини, асосий вазифаларини англаб етиш муҳим масаладир. Глобаллашув жараёни инсоният тараққиёт босқичида янги давр сифатида намоён бўлмоқда. Глобал (франц. global-умумий, лотинча globus-шар) – бутун ер шарини қамраб олувчи; ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал, деган маънони билдиради. Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маънавияти, маданияти, одамлари ўртасида ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

Глобаллашув – бу аввало, ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўришимиз мумкин. Айниқса, давлатлар, халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқалари кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари илм-фан ютуқларининг шиддатли равишда тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда. Лекин бир нарсани ёдимиздан чиқармаслигимиз лозимки, глобаллашув даврида салбий таъсирлар тўрига тушиб қолган айрим ёшларимиз ҳам йўқ эмас.

Тарихий онг ва унга таъсир этувчи омил ҳар бир инсоннинг тарихий тафаккури, инсоннинг ўзлигини англаши билан боғлиқдир. Инсоннинг ўзини англаши тарихийлик, тарихий онг, тарихий хотира, тарихий тафаккури бевосита миллий ғоя ва мафкура билан узвий алоқадорликда кечади.

Миллий ғоя кишиларда тарихий онгни шакллантириш, тарихий хотирани уйғотиш, мозийга қараб иш кўриш ва ўзликни англаш маёғи сифатида, миллатимизнинг

орзу-ниятлари ифодаси ва жамият аъзоларини бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ундайдиган асосий куч вазифасини ўтайди. Миллатнинг ўзлигини англаб етиши тарихий хотиранинг уйғониши билан узвий боғлиқ ҳодиса саналиб, бу унинг натижаси ўлароқ, жамият аъзоларида тарихий онг қарор топиб, юксалиб боради.

Жамиятда қарор топиб бораётган «янги мафқуранинг асл маъноси–эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир», деган қарашларни ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Бугунги ижтимоий–сиёсий жараёнлар «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш»ни талаб этмоқда.

Жамият тараққиёти, инсон маънавий камолоти равожланишининг ички зиддиятларини, уларга таъсир этувчи ғоялар ва мафқураларни эътиборга олмай тушуниш ҳам, тушунтириш ҳам мумкин эмас. Шу сабабли, доно даҳолар барча замонларда жамият ҳаётининг ғоявий, мафқуравий асосларни ўрганишга катта эътибор берганлар, тараққиётга янги имкониятлар киритувчи илғор ғояларни яратишга ҳаракат қилганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Совет тоталитар тузуми барбод бўлиши ҳам янги пайдо бўлган ёш мустақил давлатлар олдига ўз тараққиёти учун асос бўладиган янги ғоялар, мафқуралар яратиш вазифасини қўйди. Бу ҳам жамият маънавий камолотининг муҳим шарти эди.

Миллий тарих – миллий ғоямизнинг тарихий манбаи. Мамлакатимизда тарихий хотира воситасида халқимизни ғоявий лоқайдликдан асраш, огоҳлантириш ва янада бирлаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ўша мафқуравий қатағон йилларининг тасвири, уларни кўрган одамларнинг гувоҳликлари ҳозир олиб қолинмаса, кейин уларни тиклаш қийин бўлади. Бу келажақ авлодларга мустақиллик осмондан тушмаганини, қандай оғир машаққат ва қаттиқ меҳнат, изтироблар эвазига келганини ҳужжатли, бадий воситалар билан тушунтириш, ғоявий тарбия учун жуда зарур.

Мустақил Ўзбекистонда миллий мафқурамизнинг асосий ғоялари – миллий тарбияни кучайтириш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни таъминлаш. Бу муҳим соҳада нималарга эришдик деган саволни бериш ўринли.

“Миллий тарбия” тушунчасининг фалсафий талқини илк бор фалсафа фанлари доктори, профессор С.Отамуродов томонидан кун тартибига қўйилди. Собиқ интернационал тарбияда йўл қўйилган хатоларни умумлаштирар экан, олим совет фалсафасининг расмий нуқтаи-назарига тамоман зид хулосага келди. Яъни:

- миллий тарбиясиз байналмилал тарбия бўлиши ҳам мумкин эмаслиги;
- байналмилал тарбияни миллий тарбия орқали амалга ошириш лозимлиги;
- миллий тарбия ўз халқининг маданий қадриятларини сингдирган инсонни шакллантириши;
- ҳақиқий миллий маданият руҳида тарбияланган кишигина бошқа миллий қадриятлар руҳида тарбияланган кишидаги инсоний фазилатларни англаб, хурмат қила олиши;
- миллий тарбиянинг халқларнинг маънавий яқинлашувига асос бўлиши;

миллий тарбия шакл ва услубларининг тиклаб қўлланилиши - жамиятни мафкуравий, маънавий яқдиллашувига демократлашувига хизмат қилувчи янги ёндашув бўла олиши тўғрисидаги фикрларини **[1, 32]** баён қилди.

Биз юқоридаги фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бундан тақшари, кўшимча тарзда миллий тарбияга “Интернет эраси” **[2, 315-316]** нинг салбий таъсирини ҳам инobatга олиш лозим. Чунки, кўп ҳолларда миллий тарбиянинг бузилиши, интернационаллашуви, “оммавий маданият”, миллий ўзликни англаш қобилиятининг сусайиб кетиши ва бошқа салбий ҳолатлар келтириб чиқармоқда.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича **[3, 354]**, “оммавий маданият” миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз ва тарихимизни йўқотиш мақсадида қўлланиладиган қуролдир. Бу шундай қуролки, у ҳеч қандай овоз чиқармасдан, ҳеч кимга билдирмасдан, пинҳона равишда миллий ғояларимизни йўқ қилиб, ёшларимизнинг тарбиясини буткул издан чиқариши, тилимиз ва динимизни таназзулга олиб бориши, меҳр-оқибат, мурувват, саховат каби инсонийлик тушунчаларини кўнгиллардан ўчириши мумкин.

Бугунги кунда турли бузғунчи ғоялар «оммавий маданият» ниқоби остида биринчи навбатда ёшларнинг маънавиятини эгаллашга ҳаракат қилаётганлиги бежиз эмас. Зеро, ҳар қайси давлатнинг ёшлари унинг эртанги кунини, тақдирини белгилувчи куч, шу билан бирга навниҳолдиким, манфур кимсалар учун уларни тўғри йўлдан оғдириш, ғаразли мақсадлари йўлида қурбон қилиш осон. «Оммавий маданият» таъсирига тушган ёшлар азалий урф-одатларини, аънаналарини, миллийлигини ва ўзлигини унутди.

Миллий одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилмайдиган ўғил-қизларимизнинг аждодлар хотирасини унутиш, ўз тарихини билмаслиги борасида, улардаги миллий ғурур, фахр-ифтихор туйғулари йўқола боради. Бундай кимсаларни «бузғунчи ғоялар» истаган қолипга солиши, кези келганда ғаразли мақсадларида фойдаланиши мумкин. Уларнинг тўрига тушган ноқобил ёшлар кези келганда, ҳатто ўз оиласига, ота-онасига қарши қурол кўтариши, шубҳасиз. Зеро, пана-пастқам жойларда пусиб, турли усул ва ниқоблар остига яширинган нопок кимсаларнинг асл мақсад ва истаги ҳам айнан шунда.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом негизда шакланган дунёқараш ва мустақкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирларига бардош бера олмайди. Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» **[4, 19]**. Ушбу таърифда маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний – ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этиши, инсоннинг ботиний ва зоҳирий табиати, инсонийлигини белгилувчи фазилатлари ва унинг фаолиятига асос бўлиши ўзига хос тарзда асослаб берилган. Аслида маънавият арабча сўздан олинган бўлиб, «маъни», «маъно» деган маънони англатади, яъни, маънавият «ҳаёт мазмуни, маъноси» демакдир.

Ўз навбатига, “маънавий таҳдид” – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бўйсундиришга йўналтирилган, шахс ва жамият ҳавфсизлиги, маънавий, руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва шунга асосланган амалиёт мажмуини ифодалайдиган тушунча. Унинг мазмун-моҳияти, зарарли оқибатлари ва маънавий таҳдидга қарши курашиш зарурлиги Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарига ҳар томонлама ва ишончли далиллар асосига кўрсатиб берилган. Маънавий таҳдид деганда, аҳолининг айрим қатламлари, айниқса, ёшлар онги ва қалбига таъсир қилиб, уларнинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишга ўзгартириш, диний экстремизм, вайронкорлик, бузғунчилик, ахлоқсизлик ғояларини зимдан тарғибот-ташвиқот этиб синдириш каби ғаразли мақсадлар англанади.

Ҳозирги даврда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бермоқда, миллатларнинг анъанавий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Энг ёмони, бундай маънавий хуружларнинг пировард мақсади одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилган. Худбинлик ва лоқайдлик, маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, ўзгаларни менсимаслик, ҳасад, сотқинлик сингари иллатлар ҳам маънавий таҳдидлар таркибига киради. Бугунги кунда жаҳонда бораётган курашлар орасида, энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, маънавият, мафкура майдонларида юз бермоқда.

Маънавий таҳдид ва хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб борилмаса, турли зарарли оқимлар Ўзбекистонга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларни ўз гирдобига тортиб кетиши, оқибатда улар ота-она, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худбинларга айланиб қолиши мумкин.

Ҳозирги даврда «Халифалик», «Эркин демократия» ва турли «Очиқ жамият моделлари»ни жамият ва давлат қурилишининг «универсал лойиҳа»ларини ташқаридан импорт қилиш ёки тиқиштириш йўлидаги уринишлар ҳам маънавий таҳдид сифатида баҳоланмоғи лозим. Айни вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва, аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити, деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар ёшлар тарбиясига тажовуз қилмоқда. Маънавий таҳдид шаклларининг аксарияти информацион хуруж ва уйдирмаларни тарқатиш орқали юз бермоқда. Бугунги кунда тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Бугунги кунда глобаллашув замонавий цивилизация тараққиётининг муҳим хусусиятини ўзида ифодалаб, у жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий соҳаларини қамраб олади. Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони [5, 28] юзага келаётганини ифодаловчи технологик глобаллашув, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўзида ифодаловчи сиёсий глобаллашув, фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги

жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув жараёнлари содир бўлмоқда.

Маънавий ҳаётдаги модернизация жараёнлари маънавий қадриятларни тиклаш, замонавийлаштириш, маънавий соҳада янгилик яратишдан иборат бўлиб, маънавий соҳадаги янгиланиш жараёни ўтган авлодлар маънавий меросидан фойдаланиш, уни ҳозирги замон даражаси билан боғлаш, замонавий умуминсоний маънавий бойликларга таянган ҳолда ривожлантириш асосида амалга оширилади. Юксак маънавиятлилик замонавий жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир.

Ҳозирги даврда глобаллашув жамият ҳаётининг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатаётган бир шароитда миллий маънавият, миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш, маънавий юксалиш жараёнларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Жамият ҳаётининг маънавий соҳасидаги модернизация жараёнлари миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, турли маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитиши, маданият ва санъат, илм-фан соҳасидаги янгиликлар, кашфиётларнинг маънавий ҳаётимизга кириб келиши ҳамда уни янада бойитиши тарзида намоён бўлади. Турли техник, технологик воситаларнинг таълим, фан, санъат, матбуот соҳаларига кириб келиши ҳам маънавий ҳаёт соҳасига бевосита ўз таъсирини кўрсатадиган, моддий маданият соҳасида амалга оширилаётган жараёнлардир. Маънавий ҳаёт соҳасида амалга оширилаётган жараёнлар таълим, фан, маданият ва санъат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб, жамиятни янги тараққиёт боسقичига, маънавий юксалишга олиб чиқади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллий маънавий хавфсизлик. – Т.: – Ўзбекистон, 2013. – Б.32.
2. Почепцов Г. Теория и практика коммуникации. – М., Центр, 1998. – С. 315-316.
3. Турсунов Л., Қодирова Г. “Оммавий маданият”га қарши курашишда эстетик иммунитетни шакллантириш масалалари. “Глобаллашув ва миллий-маънавий тараққиёт тенденциялари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материал. тўплами. 2015 йил 23 февраль. – Б. 354.
4. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 19.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.28.

УДК 101.1:316

Сук Олена Євгеніївна
Харківський національний автомобільно-дорожній університет,
Чаплигін Олександр Костянтинович
Харківський національний автомобільно-дорожній університет,
Чістіліна Тетяна Олександрівна
Харківський національний університет ім. В.Н. Каразіна
(Харків, Україна)

ТЕХНІКА ТА ТЕХНОЛОГІЯ ЯК ФАКТОР ПРИСКОРЕННЯ АНТРОПОСОЦІОГЕНЕЗУ

Анотація: Стаття присвячена проблемам, пов'язаним з цивілізаційним розвитком, техносферою, перспективами співіснування людини з технікою. Розглядаються протиріччя, пов'язані зі становленням техногенної цивілізації а перспективи людства в її умовах.

Ключові слова: техніка, технологія, техносфера, людина, людство, техногенна цивілізація.

Suk Olena
Kharkiv national automobile and highway University,
Chaplygin Oleksandr
Kharkiv national automobile and highway University,
Chistilina Tatiana
V. N. Karazin Kharkiv National University
(Kharkiv, Ukraine)

TECHNOLOGY AND TECHNOLOGY AS AN ACCELERATION FACTOR OF ANTHROPOSOCIOGENESIS

Abstract: The article is devoted to the problems related to the development of civilization, the technosphere, the prospects of human coexistence with technology. Contradictions related to the formation of man-made civilization and the prospects of mankind in its conditions are considered.

Key words: engineering, technology, technosphere, man, humanity, technogenic civilization.

Сук Елена Евгеньевна
Харьковский национальный автомобильно-дорожный университет,
Чаплыгин Александр Константинович
Харьковский национальный автомобильно-дорожный университет,
Чистилина Татьяна Александровна
Харьковский национальный университет им. В. Н. Каразина
(Харьков, Украина)

ТЕХНИКА И ТЕХНОЛОГИЯ КАК ФАКТОР УСКОРЕНИЯ АНТРОПОСОЦИОГЕНЕЗА

Аннотация: *Статья посвящена проблемам, связанным с цивилизационным развитием, техносферой, перспективами сосуществования человека с техникой. Рассматриваются противоречия, связанные со становлением техногенной цивилизации и перспективы человечества в ее условиях.*

Ключевые слова: *техника, технология, техносфера, человек, человечество, техногенная цивилизация.*

Взаємодія людини і техніки відбувається протягом всієї історії людства. Тому цілком природно, що техніка та наслідки технічного розвитку є популярною філософською темою, оскільки розвиток техніки та технологій, що закладений в основу життєдіяльності техногенної цивілізації спонукає до філософського осмислення ролі техніки в розвитку цивілізації.

Затвердившись 19-му столітті в якості засобу цивілізаційного розвитку техніка далі, з кожним витком технічного розвитку, змінює життя людини, а перехід від технологічного суспільства до техногенного зробив техногенність світоглядним принципом, механізмом цивілізаційного розвитку.

Практично все, з чим має сьогодні справи людина, залежить від ефективної роботи техніки та впровадження і підтримки технологій. Однак, неможна не звертати увагу і на негативні наслідки технічного розвитку, що поставили під загрозу не тільки наявний рівень існування людини, а й виживання людства в цілому. Перед вченими-теоретиками постало питання про природу і сутність цих наслідків, а також про можливі шляхи подальшого розвитку техногенної цивілізації.

В сучасній філософській літературі поняття «техногенна цивілізація» є досить розповсюдженим. Однак, цілісної науково-обґрунтованої концепції техногенної цивілізації, її сутності та змістовних характеристик досить не розроблено. Це можна пояснити тим, що дослідники розглядаючи різні аспекти цієї проблеми, вкладають різний зміст в термін «техногенність», який сьогодні широко використовується і є одним з основних понять в філософії розвитку земної цивілізації. Велика кількість дослідників прирівнює поняття «техногенний» до понять «технічний», «технологічний», «техніко-технологічний» і, навіть, «техносферний». З цим неможна погодитись, оскільки сукупність різних пристосувань, механізмів і пристроїв, не існуючих в природі і виготовлених людиною для задоволення соціокультурних потреб прийнято визначати терміном «технічний» [1, с. 205]. Створене на основі сукупності процесів, що

здійснюються у певній послідовності за допомогою необхідної техніки для досягнення поставлених цілей – позначають терміном «технологічний», відштовхуючись від розуміння технології як «реального (практичного) вирішення конкретного науково-технічного, виробничо - господарського і соціально-політичного завдання» [2, с. 208]. Як результат комплексної взаємодії техніки і технологій визначається поняття - «техніко-технологічний». Поняття «техносферний» трактується як штучний, створений з неорганічних матеріалів під безпосереднім впливом техніки і технологій [3], «...як частина біосфери, докорінно перетвореної людиною в технічні та техногенні об'єкти...» [4].

Як бачимо, у кожному визначенні акцент робиться на індустріальну, техніко-технологічну або техносферну складові техногенної цивілізації, що дає змогу судити про неповноту трактувань. Однак, техногенність містить не лише техносферні, технічні або технологічні речі, вона містить будь-які штучні предмети, речовини, процеси, соціальні, біосферні та природні системи тощо.

Саме тому протягом останніх десятиріч спостерігається великий дослідницький інтерес до проблем цивілізації, що виникла за техногенним зразком та отримала назву «техногенної цивілізації».

Різні аспекти проблеми становлення і розвитку західної цивілізації розглянуті у працях Ж. Бодріяра, П. О. Сорокіна, А. Дж. Тойнбі, Е. Фромма, С. Хантінгтона та інших. Особливості трансформації індустріального суспільства в постіндустріальне з точки зору соціально-економічного розвитку, розглянуті У. Беком, Д. Беллом, Д. Гелбрейтом, Г. Маркузе. Екологічні аспекти техногенної цивілізації досліджені Д. Медоузом, А. Печчеї. Етичні особливості визначені Х. Ленком, К. Мітчемом та ін. Історичні кроки техногенної цивілізації описані Л. Мемфордом, Ф.Фукуямою, О. Шпенглером та ін. Психологічні особливості цього розвитку розглянуті в працях Х. Ортега-і-Гассета, А. Тоффлера.

Безпосередньо поняття «техногенна цивілізація» було запропоновано академіком В.С. Стьопіним в роботі «Наукове пізнання та цінності техногенної цивілізації» [5, с.4]. Так, В. С. Стьопін пов'язує початок техногенної цивілізації, з початком розвитку античних полісів, зародженням в них науки і демократії. Далі автор простежує розвиток техногенного суспільства у зв'язку із середньовічними уявленнями про богоподібність людини та її розум, потім – з періодом промислової революції в Західній Європі, індустріалізацією, соціальними революціями, що призвели до прискорення технічних і науково-технічних змін [6, с. 9-11]. Стьопін пояснює поняття техногенної цивілізації з точки зору культурно-історичного підходу, наголошуючи, що проблеми техногенної цивілізації полягають в першу чергу в сфері культурній (духовній, ціннісній). Філософ підкреслює, що в культурі техногенної цивілізації «дух мужності й сили займає домінуюче місце... доти, доки ідеали панування над природними та соціальними об'єктами, ідеали влади, що ґрунтуються на силовому перетворенні ситуацій природного та соціального світу, залишаються базисними цінностями сучасної цивілізації» [7, с. 3-18]. Саме вони, на думку Стьопіна формують різноманіття зразків, норм, програм поведінки, життєвих сенсів, які ми черпаємо з культури, іноді навіть не усвідомлюючи цього. Утвердження ж нових ідеалів «потребує нових зразків та норм людської дії» [8, с. 15]. В. Стьопін зазначає: «В техногенній цивілізації темпи соціального

розвитку різко прискорюються, екстенсивний розвиток замінюється інтенсивним. Вищою цінністю стають інновації, творчість, що формують нові оригінальні ідеї, зразки діяльності, цільові та ціннісні установки. Традиція повинна не просто відтворюватись, а й постійно модифікуватись під впливом інновацій»

Останніми роками цю проблему активно досліджують В. Беляєв [9], Е. Демиденко, О. Дергачова, А. Іоселіані, Л. Кузнцова, В. Кутирьов, М. Моїсєєва, О. Чумакова, Б. Кудрін. В. Горохов

Монографії професора Віталія Георгійовича Горохова відображають різні аспекти філософії техніки і технічних наук - історичні, методологічні, соціальні, етичні. Він справедливо зауважує, що «сподіватися на диво, яке дозволить одвічні мрії людства про досягнення раю на Землі, після Чорнобиля (принаймні від досліджень в ядерній галузі) не доводиться» [10, с. 142]. Будь-яке технічне нововведення амбівалентне - ми щось отримуємо, але і чимось жертвуємо. Очевидна особливість часу полягає в підвищенні технологічних ризиків в умовах всезростаючої невизначеності, коли важко оцінити наслідки інновацій.

У визначенні терміну «техногенна цивілізація» акцент на соціоприродному та соціосферному її характері робить В. Казютинський [11]. Однак він розглядає техногенну цивілізацію лише як індустріальну фазу розвитку, не розглядаючи постіндустріалізм, в якому техногенна цивілізація продовжує існувати, вдосконалюючи і раціоналізуючи індустріальний характер розвитку науки, техніки, технологій, постійного впровадження наукових знань в усі форми суспільного життя. Саме на цю обмеженість звертає увагу Е. Демиденко [12,с.145], стверджуючи, що в техногенній цивілізації індустріальний характер розвитку не зникає, а навпаки, посилюється під все сильнішим впливом техніки і техносфери на суспільство, природу і людину, трансформуючи останніх.

Також, погоджуючись з точкою зору В.Стьопіна, маючи на увазі вплив техніки на всі аспекти цивілізації і на людину та на глибинні технічні витоки розвитку, сучасну цивілізацію називає техногенною В.М. Розін.

Відомий філософ В.О. Кутирьов визначає техногенну цивілізацію як цивілізацію універсальних систем і мереж, з домінуванням техніко-інформаційної раціональності [13, с. 37]. Техногенна цивілізація, на думку Кутирьова, є повністю підкореною створеному технічним шляхом штучному машинному середовищу, яке порушує межі і закони природного соціального середовища. Аналізуючи сучасну техногенну цивілізацію В.О. Кутирьов вважає, що вона здатна «переформатувати» людину у «постлюдську» форму життя, тим самим переводячи проблематику техногенної цивілізації до філософсько-антропологічного контексту [14, с. 170]. В цьому контексті важливим є те, що на відміну від традиційних суспільств, де людина реалізується лише через приналежність до певної корпорації, в умовах техногенної цивілізації виникає особливий тип автономії, коли особистість може змінювати корпоративні зв'язки, будувати свої відносини в різних соціальних спільнотах і, навіть, в різних культурних традиціях. Націлений на майбутнє науково-технічний прогрес в техногенній цивілізації змінює типи спілкування, форми комунікації, типи особистості.

Цінності техногенної культури створюють принципово новий вектор людської активності, коли головним призначенням людини є перетворююча діяльність [15]. На відміну від традиційного відношення до природи, людина техногенної цивілізації розглядає природу як підконтрольний і підвладний об'єкт. В зв'язку з цим особливої значущості набуває науково-технічний погляд на світ, оскільки умовою перетворення світу є наукове його пізнання.

Людина техногенної цивілізації живе не в природному, а в антропогенно-зміненому середовищі, що є суперечливим за своєю сутністю, оскільки техногенний розвиток, з одного боку створює сприятливі умови для соціалізації особистості та соціального прогресу в цілому, а з іншого, техногенна раціоналізація суспільного життя може привести до неминучої екотехнологічної катастрофи. Крім того, сьогодні існує небезпека руйнування біоенергетичної основи, що інтегрує моделі соціальної поведінки та ціннісні установки, існуючі в культурі [16]. Залежність людства від впливу техніки настільки очевидна, що спонукає замислитись над орієнтирами цивілізаційного розвитку, адже породжені індустріалізацією глобальні екологічні, економічні, техногенні та інші проблеми породили і глибокі протиріччя, що поставили під загрозу навіть виживання людства. Наявний рівень технологічного розвитку є достатнім, щоб суттєво трансформувати людство, привести його до антропологічної кризи. Але характер впливу сучасної техногенної цивілізації на людину міститься не лише в загрозі деформації людського тіла, але й призводить до нівелювання особистості, втрати індивідуальності, усвідомлення себе в якості лише одиниці в великій масі, що суттєво ускладнює процес соціалізації. Дослідники, що аналізують техногенну цивілізацію також зауважують, що економічний розвиток, множачи кількість речей, призводить до втрати духовних цінностей. За матеріальні блага люди можуть заплатити свободою і духовністю. Техніка може стати самоціллю, а людина - додатком до машини, об'єктом управління та перетворення.

Динамічність світу потребує від людини поліваріантного стану, пристосування до різноманітних подій в умовах процесу відчуження, оскільки будь-який новий тип цивілізаційного розвитку потребує формування та закріплення відповідних світоглядних орієнтирів та розуміння необхідності жорсткого контролю за розвитком техніки, вироблення заходів, здатних забезпечити виживання людства в умовах техногенної цивілізації.

СПИСОК ВИКОРИСТАНИХ ДЖЕРЕЛ ТА ЛІТЕРАТУРИ:

1. Некрасов С.И., Некрасова Н.А. Философия науки и техники: тематический словарь справочник. – Орёл: ОГУ, 2010. – 289 с.
2. Там же, с 208.
3. Дергачёва Е.А. Техногенноеобщество: новые грани исследования <http://www.globalistika.ru/congress2008/Doklady/05610.htm>
4. Иоселиани А. Д. Антропология глобального мира: человек в современной коммуникативно-нформационной сфере http://superinf.ru/view_helpstud.php?id=3657

5. Степин В.С. Научное познание и ценности техногенной цивилизации // Вопросы философии, 1989, № 10
6. Стёпин В.С. Теоретическое знание: монография. – М.: Прогресс-Традиция, 2000. – 744 с.
7. Там же с. 3-18
8. Там же, с 15
9. Беляев В.А. Антропология техногенной цивилизации на перекрестке позиций. – М.: Изд-во ЛКИ, 2007. – 416 с.
10. Философия науки и техники / В.С. Стёпин, В.Г. Горохов, М.А. Розов. – М.: Гардарики, 1996. – 312 с
11. Казютинский В.В. Близок ли "Век Науки" к завершению? // Вопросы философии, М.: Наука, 2013, № 3, с 80-90
12. Демиденко, Э.С. Философия социально-техногенного развития мира: статьи, понятия, термины / Э.С.Демиденко, Е.А.Дергачева, Н.В.Попкова. – Брянск: БГТУ. – 228 с.
13. Кутырёв В.А. Последнее целование. Человек как традиция: монография. – СПб.: Алетейя, 2015. – 312 с.
14. Дергачёва Е.А. Техногенность и ее идейное содержание // Вестник Брянского государственного технического университета. № 2 (22), 2009. С. 167-174.
15. Храпов С.А. Техногенный человек: проблемы социокультурной онтологизации// Вопросы философии:научно-теоретический журнал М.:Наука, № 9, 2014 – 192 с., с. 66-76
16. Миловацкий А.С., Ишимская Е.В. Человек в условиях техногенной цивилизации // Современные технологии обеспечения гражданской обороны и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций. 2015. №1 (6).

SECTION: POLITICAL SCIENCE

Jumayev G'iyosjon Abduvaxobovich
Toshkent axborot texnologiyalari universiteti
Magistranti,
Akbaraliyev Baxtiyor Bakirovich
Ilmiy raxbar,
Texnikaa fanlar nomzodi(t.f.n)
(Tashkent, Uzbekistan)

SAYLOV TIZIMINI YARATISHDA GEOMA'LUMOTLAR BAZASINING O'RNI VA AHAMIYATI

Annotatsiya: *Saylov muhim siyosiy jarayonlardan biri hisoblanadi. Chunki davlat organlariga xodimlarni saylash aynan xalq tomonidan amalga oshiriladi. Bu jarayonda saylovlarning o'рни va ahamiyati beqiyos hisoblanadi. Saylovlarning adolatli o'tishi, unda qatnashadigan fuqarolarning soni suni'y ravishda oshib ketmasligi, saylovchilarni barcha saylov to'g'risidagi ma'lumotlar bilan ta'minlash muhim omillardan bo'lib bormoqda. Saylovlarni o'tkazish Markaziy saylov komissiyasi tomonidan tashkillashtiriladi.*

Kalit so'zlar: *Saylov tizimi, geoma'lumot, baza, GAT, dastur, hukumat.*

Saylov tizimi – jamiyatda davlatning vakillik organlarini saylash yo'li bilan yuzaga keluvchi davlat – siyosiy munosabatlari tizimidir ⁵⁸. Bu esa siyosiy partiyalarning faol harakatlari va fuqarolarning o'z irodasini qanchalik namoyon qilishlariga bog'liq. Bir tomondan, davlat ham saylov tizimining qonuniyligini tashkil etuvchi, ham huquqiyiligini kafolatlovchidir. «Saylov tizimi» iborasi, shuningdek, deputatlik mandatlariga nomzodlarni kim ko'rsatishi, deputat saylash uchun saylovchilar ovozing soni qancha bo'lishi, deputatlik mandatlarini nomzod ko'rsatgan partiyalar o'rtasida qanday taqsimlanishiga qarab saylov natijalarini aniqlash vositasi ma'nosini ham bildiradi. Bu ma'nodagi saylov tizimi – saylov natijalariga muvofiq ravishda saylab qo'yiladigan davlat organida mandatlarini taqsimlash usuli hamdir. Uning asosiy turlari: majoritar va proporsional saylov tizimlaridan iboratdir.

Geoma'lumotlar – bu geografik axborot tizimi (GAT) da foydalanilishi mumkin bo'lgan formatda saqlanadigan geografik joylashgan o'rin haqidagi axborot demakdir.

Geoma'lumotlar ma'lumotlar bazalarida, geoma'lumotlar bazalarida, sheyp- fayllarda, qoplamalarda, rastr suratlarida yoki hattoki.dbf. jadvalarida va katta mashtabli Microsoft Excel jadvalarida ham saqlanishi mumkin.

Geoma'lumotlar bazasi nima? ArcGIS dasturida Geoma'lumotlar bazasi – bu turli geografik ma'lumotlar to'plamlarining to'plami, faylli tizimlar umumiy papkasida saqlanuvchi Microsoft Access ma'lumotlar bazasida yoki ko'p foydalanuvchili relatsion ma'lumotlar bazasida (jumladan Oracle, IBM, DBR, Postgre SQL, Informix yoki Microsoft SQL Server)

⁵⁸ O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy huquqi. Mualliflar jamoasi. T. TDYuI. 2005 yil.

saqlanadigan ma'lumotlar to'plami demakdir. Ular fayllarga asoslanuvchi kichik bir foydalanuvchili ma'lumotlar bazasidan katta ko'p foydalanuvchilar mashtabi bo'yicha guruhlar, tarmoqlar (rayonlar) va korporativ geoma'lumotlar bazasigacha bo'lgan kattalikda yaratilishi mumkin.

Ammo Geoma'lumotlar bazasi faqat ma'lumotlar to'plami kolleksiyalaridan iborat degani emas; «Geoma'lumotlar bazasi» termini ArcGISda bir qancha ta'riflarga ega:

– Geoma'lumotlar bazasi – bu ArcGIS uchun «qadrdon» ma'lumotlar to'plami; u ma'lumotlarni boshqarish va ularga o'zgartirish kiritish uchun foydalaniladigan asosiy ma'lumotlar formati bo'lib sanaladi. Garchi ArcGIS geografik axborot tizimi (GAT) ning turli xil formatlarida joylashgan geografik axborotlar bilan ishlasa-da, uning barcha kuchli funksional imkoniyatlari ayni geoma'lumotlar bazalarida ishlatiladi.

– Bu – avvalambor MBBT yoki faylli tizimdan foydalanadigan geografik axborotlarning omborxonasi. To'g'ridan to'g'ri ArcGIS da yoki SQL yordamida MBBTda o'z ma'lumotlar to'plamingizning asl nusxasi bilan ishlashingiz mumkin.

– Geoma'lumotlar bazasi geografik axborotlarni boshqarish va namoyish qilish uchun hartaraflama axborot modeliga ega. Ushbu hartaraflama axborot modeli atributlar, rastrlar to'plami va fazoviy obyektlar sinfini saqlovchi ma'lumotli oddiy jadvallar ketma-ketligini amalga oshiradi.

– Geoma'lumotlar bazasining dasturiy nazariyasi umumiy ilovaning nazariyasini ta'minlaydi, ArcGIS dasturidan turli fayllardagi va formatlardagi hamma geografik ma'lumotlar bilan ishlash va kirish uchun foydalaniladi.

– Geoma'lumotlar bazasi GAT ma'lumotlarining ishchi oqimini boshqarish uchun tranzaksiya modeliga ega.

– Geoma'lumotlar bazasi o'zida turli geografik ma'lumotlar to'plamlari to'plamini aks ettiradi. *Ma'lumotlar to'plami* geoma'lumotlar bazasining eng muhim tushunchasi sanaladi. Undan ArcGIS da geografik axborotlarga ishlov berish va tashkillashtirish uchun foydalaniladi. Geoma'lumotlar bazasi tarkibiga ma'lumotlar to'plamining uchta asosiy turi kiradi:

- 1) fazoviy obyektlar sinfi;
- 2) rastr ma'lumotlari to'plami;
- 3) jadvallar.

Yuqorida sanab o'tilgan ma'lumotlar to'plamlari turlarining hammasini yaratish – geoma'lumotlar bazasini yaratish va loyihalashdagi birinchi qadam hisoblanadi. Odatda foydalanuvchilarning geoma'lumotlar bazasi bilan ishlashi ma'lumotlar to'plami turlarining so'nggi miqdorini aniqlash bilan boshlanadi. So'ngra foydalanuvchilar GAT harakatini modellashtirish, ma'lumotlar yaxlitligini qo'llab-quvvatlash va juda muhim bo'lgan fazoviy munosabatlar to'plamlari bilan ishlash uchun o'z geoma'lumotlar bazalarini yanada rivojlangan imkoniyatlar (topologiyani qo'shish, tarmoqlar yoki turdoshlar) yordamida to'ldirishlari yoki funktsionalligini kengaytirishlari mumkin bo'ladi.

Geoma'lumotlar bazasini jadvallar va fayllarda saqlash. Geoma'lumotlar bazalarini saqlash deganda ma'lumotlar sxemalarini, har bir geografik ma'lumotlar

to'plami uchun qoidalar bazalarini, fazoviy va atribut ma'lumotlarining oddiy jadval ko'rinishini saqlash tushuniladi. Geoma'lumotlar bazasining barcha uchta asosiy ma'lumotlar to'plamlari (fazoviy ma'lumotlar sinflari, atribut jadvallar va rastr ma'lumotlar to'plamlari),

geoma'lumotlar bazasining boshqa elementlari singari, jadvallar yordamida xotirada saqlanadi. Geografik ma'lumotlar to'plamining fazoviy ko'rinishi vektor yoki rastr formatida saqlanadi.

Geoma'lumotlar bazasini loyihalash jarayoni o'z ichiga GAT- loyihalash standart operatsiyalari to'plamini bajarishni oladi. Shu sababdan ham biz GAT loyihalashning uslublari va maqsadlari to'g'risidagi umumiy bilimlarga ega bo'lishimiz kerak. GAT - loyihalash o'z ichiga geografik axborotlarni mavzuli ma'lumotlar guruhlariga ajratishni tashkil etish jarayonini oladi, ya'ni geografik joylashuvi to'g'risidagi ma'lumotlardan foydalangan holda o'zaro bog'lanishi mumkin bo'lgan qatlamlar tushuniladi. Shu yo'l bilan Geoma'lumotlar bazasini loyihalash jarayoni qanday mavzudagi ma'lumotlar to'plamini ishlatishimizni aniqlashdan boshlanadi degan xulosaga kelishimiz mumkin. Undan so'ng biz har bir shunday qatlamlarning nimalardan iborat bo'lishini aniqlashimiz va ular haqida tasavvurga ega bo'lishimiz kerak bo'ladi. Bunda quyidagilarni aniqlashimiz kerak bo'ladi:

– har bir mavzuli ma'lumotning qanday geografik obyekt shaklidagi ko'rinishini (masalan, nuqta, chiziq, poligon yoki rastrlar shaklida), shuningdek, ularning jadvalli atributlarini ham;

– fazoviy obyektlar sinflari, atributlar to'plami, rastr ma'lumotlar to'plami va boshqa ma'lumotlar to'plamlarida qanday qilib ma'lumot tashkillashtirilishi tartibga solinishini;

– kengaytirilgan GAT harakat modellarini amalga oshirish, ma'lumotlar yaxlitligi qoidalarini ta'minlash (masalan, topologiya, tarmoqlar va rastrlar katalogi), shuningdek, ma'lumotlar to'plamlari orasidagi atributiv va fazoviy munosabatlarni aniqlash uchun qanday qo'shimcha fazoviy elementlar va ma'lumotlar bazasi elementlari zarur bo'lishini.

ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga saylov o'tkazuvchi okrug saylov komissiyalari ishchi seminar – kengshi materiallari (1994 yil 14-16 noyabr) – T. O'zbekiston.1999.
2. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga saylov o'tkazuvchi okrug saylov komissiyalari ishchi seminar – kengshi materiallari (1994 yil 14-16 noyabr) – T. O'zbekiston.1999.
3. Abdullaev T.M. Xaritalardan foydalanish ma'ruzalar matni T. 2014.
4. “Davlat kadastr yagona tizimini yaratish va yuritish tartibi to'g'risidagi” qonun T. 2005.
5. DeMersM. Geograficheskie informatsionnye sistemy. – M.: Data+, 1999.
6. Leonid CHesalov, k.t.n., v.n.s., lab. geoinformatiki VNII geosistem, Moskva, l.tchessalov@geosys.ru 2006.
7. Saylov uchastkalariningni muhofaza qilish va ulardan foydalanishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida 269 sonli qonun T. 2002.
8. Mitchell E. Rukovodstvo po GAT-analizu. – Kiev: ZAO USOMMSo, 2000. CH. 1.

Sherov Ma'rif Boltayevich
Samarqand davlat universiteti
Sotsiologiya va ijtimoiy ish kafedrasida dotsenti
(Samarqand, Uzbekistan)

AHOLI FAROVONLIGINI TA'MINLASHNING ILMIIY-NAZARIY ASOSLARI

Annotasiya: Maqolada 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar Strategiyasida asoslab berilgan ijtimoiy sohani rivojlantirishda aholi farovonligini ta'minlash va ijtimoiy qo'llab-quvvatlash bilan bog'liq masalalar bayon qilingan. Shu bilan birga ushbu vazifalarni amalga oshirishda mahallani aniq yo'naltirilgan asosda, xususan jamoatchilik nazorati funksiyasini takomillashtirish masalalarga alohida e'tibor qaratilgan.

Kalit so'zlar: ijtimoiy himoya, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, demokratik islohotlar, mahalla vakolatlari, jamoatchilik nazorati, davlat va nodavlat tashkilotlar.

СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ – ГЛАВНАЯ ЗАДАЧА ПОВЫШЕНИЯ БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ

Аннотация: В статье раскрываются основные вопросы сущности стратегии действия нашей стране в период 2017-2021гг. А также, особое внимание уделено целенаправленной социальной защите населения республики. На основе конкретных фактов Узбекистана рассмотрены проблемы осуществления социальной защиты людей по месту жительства в махаллах, согласно целенаправленного принципа социального партнерства и стратегии действий.

Ключевые слова: социальная защита, демократические реформы, полномочия махали, общественной контроль, общественные и государственные организации.

ACTION STRATEGIES IN UZBEKISTAN - THE MAIN TASK OF IMPROVING THE WELFARE OF THE POPULATION.

Resume: The article reveals the main issues of the essence of the action strategy of our country in the period 2017-2021. And also, special attention is paid to the targeted social protection of the population of the republic. Based on the concrete facts of Uzbekistan, the problems of implementing social protection of people at the place of residence in the mahallas are examined, according to the focused principle of social partnership and action strategy.

Keywords: social welfare, democratic reforms, waved authority, social control, nongovernmental and government organizations.

Mamlakatimizda jamiyatni yanada demokratlashtirish va fuqarolik jamiyati asoslarini mustahkamlash borasida amalga oshirib kelinayotgan keng ko'lamli islohotlar bugungi kunda yangicha mazmun bilan boyitildi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi"da fuqarolik jamiyati institutlari, chunonchi mahallaning maqomi va rolini oshirishni ustuvor yo'nalishlardan biri sifatida belgiladi. Mahalla faoliyatini takomillashtirishga doir asosiy vazifalarga alohida e'tibor qaratdi. [1. 5]

Harakatlar strategiyasining jamoatchilik boshqaruvi tizimini takomillashtirish bandida xalq bilan muloqotning samarali mexanizmlarini joriy etish, jamoatchilik nazoratini amalga oshirishning zamonaviy shakllarini rivojlantirish, ijtimoiy sheriklikning samarasini oshirish, fuqarolik jamiyati institutlarini rivojlantirish, ularning ijtimoiy va siyosiy faolligini oshirish, mahalla institutining jamiyat boshqaruvidagi o'рни va faoliyati samaradorligini oshirish kabi juda muhim ustuvor masalalarni amalga oshirish belgilab berilgan. [2. 11]

Shuningdek, "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi"ning "Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari" deb nomlangan to'rtinchi ustuvor yo'nalishi bandlarida aholiga majburiy ijtimoiy kafolatlarni ta'minlash, aholining ehtiyojmand qatlamlarining ijtimoiy himoyasini hamda keksalar va imkoniyati cheklangan shaxslarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni kuchaytirish, ijtimoiy xizmat ko'rsatishni yaxshilash, aholiga ijtimoiy xizmatlar ko'rsatishda davlat-xususiy sherikligini rivojlantirish, pensionerlar, nogiron, yolg'iz keksalar, aholining boshqa ehtiyojmand toifalarining to'laqonli hayot kechirishlarini ta'minlash uchun ularga tibbiy-ijtimoiy yordam ko'rsatish tizimini yanada rivojlantirish va takomillashtirish masalalariga alohida e'tibor qaratilgan.

Tarixan ming yillar davomida tarkib topgan mahalla yaxshi qo'shnichilikni, hurmat va insonparvarlikni tarbiyalashda, ijtimoiy himoya masalalarini hal etishda muhim rol o'ynab kelgan. Aholi bandligini ta'minlash, kam ta'minlangan va boquvchisini yo'qotgan oilalar, yordamga muhtoj yolg'iz qariyalar, imkoniyati cheklanganlarni ijtimoiy himoya qilish masalasi ham aynan mahallalarda o'z yechimini topadi.

Bugungi kunda mamlakatimizdagi qariyb o'n mingta fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari faoliyatining taraqqiyot yo'li va uning mustahkam huquqiy asoslarini kuzatar ekanmiz, respublikamizda amalga oshirilayotgan keng ko'lamli demokratik islohotlar - kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyati sari asosiy prinsipining bosqichma-bosqich amalga oshirilayotganining guvohi bo'lamiz. Xususan, istiqloqlning dastlabki yillarida mahallaga ikki vazifani amalga oshirish bo'yicha huquqiy vakolat berilgan bo'lsa, bugungi kunda davlat hokimiyatining mahalliy organlaridan 30 dan ortiq ijtimoiy-iqtisodiy xususiyatli vazifalar ular vakolatiga berildi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi "Konstitutsiya - erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir" ma'ruzasida ijtimoiy adolat tamoyilini ta'minlash, ko'mak va yordamga muhtoj insonlar, nogironligi bo'lgan shaxslarning to'laqonli hayot kechirishlari uchun munosib sharoit yaratib

berish masalasiga davlatimiz va jamiyatimiz tomonidan ustuvor ahamiyat qaratiladi deb ta'kidlab o'tdilar [3. 7].

